

НОРМА МАСАЛАДАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

Парламент хабарлари

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

12 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● **Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Умарова «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди.** Мазкур қонун лойиҳаси қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари, шунингдек, дори воситаларининг файриқонуний нусхалари билан муомала қилишга қарши курашни кучайтириш зарурати муносабати билан ишлаб чиқилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда қалбакилаштирилган препаратлар миқдори кўпайиб бормоқда, мамлакатимиз ҳамда чет эл фирмаларининг барчага яхши маълум ва кўп фойдаланиладиган препаратларнинг даярли ҳаммаси қалбакилаштирилмоқда.

Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан муомала қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига асосий сабаб: «қалбакилаштирилган дори воситаси», «сифатсиз дори воситаси», «дори воситаларининг файриқонуний нусхалари» каби тушунчаларни белгилаб берувчи аниқ мезонларнинг йўқлиги, шунингдек, уларни реализация қилиш, ишлаб чиқариш ва Ўзбекистон ҳудудига импорт қилишнинг тақиқланмаганлигидир. Тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ички бозорни қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситаларидан ҳимоя қилишнинг янада самарали ҳуқуқий базасини яратиш, энг асосийси эса, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш имкониятини беради.

Айрим ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш юзасидан тушган тақлифларнинг барчасини эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси мазкур Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

● **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Умарова томонидан киритилди.** Қонун лойиҳасида сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқарганлик, тайёрлаганлик, олганлик, сақлаганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Қонун лойиҳасининг моддама-

модда муҳокамаси вақтида депутатлар таъкидладиларки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритиш тақлиф этилаётган тузатишлар дори воситалари билан файриқонуний муомала қилишга пухта тўсиқ қўйиш, бундай қилмишлар учун жиноий таъкиб амалиётини бирхиллаштириш имкониятини беради. Қонунчилик палатаси муҳокама вақтида баён этилган фикрларни ҳисобга олиб, Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

● **«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг аъзоси А.Юнусова тақдим этди.** Қонун лойиҳаси Халқаро меҳнат ташкилотининг Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенциясини (1973 йил 26 июнь, Женева) Ўзбекистон ратификация қилганлиги муносабати билан ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур Конвенцияга мувофиқ, ишга қабул қилиш мажбурий мактаб таълимини тугатган ёшдан, яъни 15 ёшдан кичик бўлмаслиги керак. Амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурати «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг умумий ўрта таълимнинг мажбурийлиги ва болаларни улар таълим олишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ишларни бажаришдан ҳимоя қилишга тааллуқли қисми талабларидан ҳам келиб чиққан.

Ушбу қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси вақтида депутатлар таъкидладиларки, болалар ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун мақбул шарт-шароитлар яратиш мамлакатимиз олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб, уни ҳал этиш кўп жиҳатдан соғлом, чуқур билимли авлодни шакллантиришга боғлиқ. Ўзбекистон қонун ҳужжатларининг болалар меҳнат ҳуқуқи ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқли қисмига киритилган ўзгартишлар натижасида мазкур ҳужжатлар халқаро мезонларга мувофиқлаштирилади, бу эса ёш мустақил давлатимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумбашарий қадриятларига содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга

қаратилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

● **Аграр, сув ҳўжалиги ва экология масалалари кўмитасининг аъзоси О.Шарипов «Қишлоқ ва сув ҳўжалигида иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди.** Мазкур ҳужжат мамлакат иқтисодиётининг аграр секторини янада ислох қилиш мақсадида қабул қилинган «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастурини амалда рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган.

Қонунчилик палатаси муҳокама вақтида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

● **Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди.** Мазкур ҳужжат мамлакатимизда суд экспертизаси фаолиятининг асосларини белгилловчи ягона норматив ҳужжат яратиш зарурати муносабати билан ишлаб чиқилган. Ҳозирги давр шароитларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда судларнинг фаолиятида фан ва техниканинг энг янги ютуқларига асосланган суд экспертизаси имкониятларидан фойдаланмасдан туриб, жиноятларни тезкор очиш ва ҳолисона текширишни, шунингдек, ишларни судда қўриб чиқишни тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти, ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳуқуқ тизимидаги ушбу муҳим элементнинг аҳамияти тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Қонунчилик палатаси батафсил муҳокамадан кейин қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов тақдим этди. Қонун лойиҳасида «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодексларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш назарда тутилган.



Муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

● **Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг аъзоси Т.Абдуллаева «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди.** Ушбу қонун лойиҳаси раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, давлат бошқаруви органларининг ҳайъат таркибини аниқлаш ишларини такомиллаштириш ва бу борада тезкорликни ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонунчилик палатаси муҳокама вақтида депутатлар баён этган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

● **Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг аъзоси Н.Рўзматова «Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги тавсифини тасдиқлаш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди.** Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги мамлакатимизнинг давлат мукофоти бўлиб, у билан фуқаролар меҳнат ва жанговор хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолияти учун тақдирланадилар. Айрим ҳолларда қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланиши мумкин. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлаш ва тақдирланганларга бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шунга тенг эсдалик совғаси бериш тартиби белгиланган.

Батафсил муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси ушбу Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

● **Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар кўмитасининг аъзоси С.Абдуллаев маърузаси бўйича депутатлар «Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш**

учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Шартномада ҳукм чиқарилган давлат ҳудудидида жиноятлар содир этганлик учун ҳукм қилинганларни улар қайси мамлакатнинг фуқароси бўлсалар, жазони ўташни давом эттириш учун уларни ўша мамлакатга топшириш асослари ва шартлари назарда тутилган. Шартномада сўролга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилган, ҳукм қилинган шахсларни топшириш шартлари ва тартиб-таомиллари, топширишни рад этиш асослари, ҳукм қилинганларнинг ташиш тартиби, бошқа нормалар белгиланган.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси вақтида депутатлар мазкур халқаро шартномани ратификация қилиш ҳукми қилинганларга ўзлари қайси давлатнинг фуқароси бўлсалар, жазони ўша давлатда ўташ имкониятини беришини, бу эса улар тузалиш йўлига ўтиши ва нормал ҳаётга қайтиши учун самаралироқ таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтдилар.

Муҳокама чоғида депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни маъқуллаб, тегишли қарор қабул қилди.

● **«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг аъзоси Ф.Комиллов тақдим этди.** Мазкур ҳужжат фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида адвокатура ўрнига турли тузилмалар фаолият кўрсатишига, фуқароларнинг ишончи суиистеъмол қилиниши ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига жиддий зиён етказилишига барҳам берадиган нормани белгилаш зарурати муносабати билан ишлаб чиқилган.

Ҳужжатнинг муҳокамаси вақтида депутатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган тузатишлар фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш борасидаги конституциявий ҳуқуқини янада самаралироқ таъминлаш имконини беришини таъкидлаб ўтдилар. Қонунчилик палатаси баён этилган барча фикр-мулоҳазаларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

УШБУ СОҒИДА	2-бет	3-бет	4-бет	5-12-бетлар
Визасиз четга чиқсам бўладими?	Ўзбошимчалик билан қурилган уй	Бизнес хавфсизлиги масалалари	Янги қонун ҳужжатлари	
\$1 = 1491,73 сўм	€1 = 2119,00	£1 = 2493,43 сўм	¥10 = 153,44 сўм	

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ **ОБУНА-2010** ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дний • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPSI • Автомир
 Аргументы и Факты • Verela • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
 • Караван Истории • Клаксон • Коммерсантъ • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

тел./факс: (99897) **119-0000**
155-0955
 Тошкент ш., Навоий кўч., 13



Иқтисодчи аёлнинг декрет таътили ва болани парвариш қилиш даврида бу лавозимга ёш мутахассис қиз қабул қилинди. Бир йилдан сўнг у турмушга чиқди ва 8 ойдан сўнг, 2009 йил 5 январдан навбатдаги меҳнат таътилига чиқди. 16 январда эса декрет таътилини тақдим этишга касаллик варақасини топширди. 26 февралда у она бўлди ва 21 майда 2011 йил 26 февралга қадар унга болани парвариш қилиш учун пул тўланмайдиган таътил беришларини сўраб ариза ёзди.

Кадрлар бўйича мутахассисимиз уни ишдан бўшатиш керак, чунки 2009 йилнинг 5 февралдан бошлаб ушбу лавозимга асосий ходим чиққан деб ҳисоблайди.

Биз декрет таътилида бўлган аёл ходимни асосий ходим ишга чиққан кундан бошлаб ишдан бўшатишимиз шартми? Ёки уни болани парвариш қилиш бўйича пул тўланмайдиган таътил тугагач бўшата оламизми? Ободонлаштириш бош бошқармаси.

Бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади (МКнинг 237-моддаси). Бинобарин, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишдан бўшатиб бўлмайди. У таътидан белгиланган муддатдан аввалроқ қайтиб келган тақдирда уни аввалги иш жойига қўя олмайсиз, чунки ушбу лавозимга асосий ходим қайтиб келган. Мазкур вазиятда ходимга корхонадаги бошқа ишни таклиф қилиш лозим. Бироқ иш берувчи унга тенг қийматли ёки бошқа

ФАҚАТ ОНАНИНГ ХОҲИШИГА КЎРА

– Меҳнат кодекси (бундан кейин – МК)да иш берувчиларни муайян ҳолларда ходимни ишдан бўшатишга мажбур қиладиган меъёрлар мавжуд эмас. Аксинча, муайян вазиятларда ишдан бўшатиб бўлмаганини кафолатлайди. Чунки, МК 100-моддасининг учинчи қисмига кўра меҳнат шартномасини вақтинча меҳ-

натга қобилиятсизлик ва ходимнинг таътилларида бўлган даврида иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан

тўғри келадиган ишни таклиф қилишга мажбур эмас. Агар ходимга сизнинг таклифингиз ёқмаса, у меҳнат шартномасини ўзининг ташаббуси билан бекор қилишга ҳақлидир.

Мария ТУХТАРОВА,
«НОРМА» МЧЖ юристи.



«Норма» газетасининг 26-сонида Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида низомни ўқиб қолдим. Ушбу ҳужжатнинг 27-бандини батафсил тушунтириб берсангиз. Мен Тожикистон фуқаросиман, Янгийўлда яшайман, қизим бор, унинг отаси Ўзбекистон фуқароси эди. Қизим эндигина 5 ёшга тўлганида отаси вафот этди. Паспорт олиш ёшига етган қизимга Ўзбекистон фуқаролигини беришни рад этишди, ҳолбуки у ҳам Тошкентда туғилган. Ҳозир у фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланади ва Тошкент политехника коллежида ўқимокда.

Коллеж раҳбарияти унинг ўқиши учун ҳақ тўлашни талаб қилиши тўғрими? Менинг ўзим кичик корхонада бухгалтер бўлиб ишлайман, иш ҳақим катта эмас, боқувчининг вафоти муносабати билан нафақа оламан. Амал-тақал қилиб яшайман. Қизимни бюджет асосида ўқитишни рад этишса қийналиб қолишим аниқ, унинг бундан кейинги ўқишига ҳақ тўлай олмайман.



Р.Манжукова,
Янгийўл шаҳри.

РЕСПУБЛИКА ЎҚИТАДИ

– Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида низомнинг (ДТМ, ХТВ, ОУМТВ, УМКТМнинг қарори билан тасдиқланган, АВ томонидан 2009 йил 11 июнда 1964-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 27-банди мазкур масалани тартибга соладиган қонунчилик меъёрларига ҳавола қилади. Хусусан, хорижий фуқароларни Ўзбекистон таълим муассасаларига қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган тартибда дастлабки экспертиза ва рўйхатдан ўтказилган жамоавий ва яқка тартибдаги шартномалар ҳамда контрактлар (шу жумладан республикамизга ҳақиқий визалар бўйича келган хорижий фуқаролар билан тузилган, уларнинг келиш мақсадидан қатъи назар) асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига хорижий фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш

ва ўқитиш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 2008 йил 4 августдаги 169-сон қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 169-сон Низом) билан белгиланади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун (1997 йил 29 августдаги 464-1-сон) 4-моддасининг тўртинчи қисмига кўра республикамизда истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар таълим олишга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эгалар ва, тегишинча, уларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби айнан мамлакатимиз фуқаролари учун мўлжалланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

169-сон Низомнинг 8-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга хорижий фуқаролар қабул қилинади.

Шу боис, агар қизингиз республикада яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс² бўлса, коллеж раҳбарияти ундан ўқиш учун хорижий фуқаро сифатида ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Елена ЕРМОХИНА,
«НОРМА» МЧЖ эксперт-юристи.

¹ Хорижий фуқаролар деб хорижий давлат фуқаролари ҳисобланган ва ўзларининг мазкур давлат фуқаролигига мансублиги далилларига эга бўлган шахслар ҳисобланади. Фуқаролигини тасдиқлайдиган ҳужжат бўлиб паспорт ҳисобланади.

² Фуқаролиги бўлмаган шахслар деб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш тургани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва ўзининг хорижий давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар ҳисобланади (1992 йил 2 июлдаги 632-ХII-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси). Унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат бўлиб яшаш гувоҳномаси ҳисобланади (Хорижий шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахснинг тасдиқлаш тўғрисида низомнинг 2-банди, Президентнинг 1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-2240-сон Фармони билан тасдиқланган).

КЎЧМА ТУСДАГИ САВОЛЛАР



Россия Федерацияси шаҳарларига бориш учун чиқиш визаси зарурми? Мен виза ҳужжатларини расмийлаштирмасдан МДХнинг қайси давлатларига боришим мумкин?

Р.Тўраев,
Наманган шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг бўлим бошлиғи подполковник Э.ҚАЛАНДАРОВ жавоб беради:

– Россия Федерацияси шаҳарларига бориш учун чиқиш визаси талаб қилинмайди, чунки Россия билан визасиз режим ўрнатилган.

Визани расмийлаштирмасдан Украина, Беларусь, Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Молдовага бора оласиз. Ушбу давлатлар билан ҳам Ўзбекистон визасиз режимга эга.

Тожикистон, Туркменистонга бориш учун чиқиш визасини расмийлаштириш билан боғлиқ барча расмийчиликларга риоя этишингиз талаб қилинади.

Қирғизистонда икки ойгача муддатда бўлиш учун чиқиш ҳужжатлари расмийлаштирилмайди. Агар мазкур мамлакатда бўлиш вақтингиз икки ойдан ошса, визали режимга эга мамлакатдаги дек чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиришингиз лозим.



Визани расмийлаштириш учун ИИВ мазкур бошқармасининг туман бўлимига қандай ҳужжатларни тақдим этиш зарур? Ушбу хизматни бажариш муддатлари қандай?

А.Санжаров,
Фориш тумани.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 апрелдаги қарорига кўра, чиқиш визасини расмийлаштириш учун ИИВ мазкур бошқармасининг доимий яшаш жойидаги туман бўлимига ариза-анкетанинг икки нусхаси, белгиланган намунада бешта фотосурат, фуқаролик паспортини топширишингиз ва энг кам иш ҳақининг 50 фоизига тенг бўлган давлат божи тўлангани тўғрисида қвитанцияни тақдим этишингиз лозим.

Ариза берилган кундан бошлаб 15-30 кун мобайнида аризангизга жавоб берилади. Акс ҳолда сиз ИИВ мазкур бошқармаси бўлинмаларининг юқори турувчи инстанцияларига шикоят билан мурожаат этишга ҳақлисиз.



Вояга етмаган болани мамлакатимиздан ташқарига дам олиш учун олиб чиқиш борасида қандай расмийчиликларга риоя этиш лозим?

О.Светина,
Самарқанд шаҳри.

– 16 ёшга тўлмаган болани мамлакатимиздан ташқарига олиб чиқиш учун ИИВ мазкур бошқармасининг доимий яшаш жойингиздаги туман бўлимига мурожаат қилишингиз ва куйида саналган ҳужжатларни тақдим этишингиз лозим:

болани олиб чиқишга ота-онанинг нотариал тасдиқланган розилиги; болани кузатиб борувчи шахснинг нотариал тасдиқланган мажбурияти; белгиланган намунадаги олтита фотосурат.

«Народное слово», 2009 йил 26 июндаги 127 (4759)-сон.

Норма маслаҳатчи» тахририятдан: чиқиш визасини расмийлаштириш тартиби шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартиби (ВМнинг 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган); ВМнинг 1994 йил 3 ноябрдаги хорижга чиқиш ҳуқуқига ҳужжатларни берганлик учун давлат божи ставкаларини белгилаган 533-сон қарори; Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 2000 йил 30 декабрдаги 519-сон қарори билан тасдиқланган) билан тартибга солинади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 11 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:^{*)}

1 Австралия доллари	1252,01	1 Малайзия ринггити	426,21
1 Англия фунт стерлинги	2493,43	1 Польша злотийси	519,10
1 Дания кронаси	284,79	1 СДР	2335,14
1 БАА дирҳами	406,15	1 Туркия лираси	1015,96
1 АҚШ доллари	1491,73	1 Швейцария франки	1380,59
1 Миср фунти	269,80	1 ЕВРО	2119,00
1 Исландия кронаси	11,76	10 Жанубий Корея вони	12,19
1 Канада доллари	1379,32	10 Япония иенаси	153,44
1 Хитой юани	218,26	1 Россия рубли	47,29
		1 Украина гривнаси	193,78

^{*)} Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	13.08.2009	1	0,804	1	1,1435	1	0,0248
Арманистон	13.08.2009	1	370,75	1	528,69	1	11,58
Беларусь	14.08.2009	1	2848,00	1	4059,82	1	88,60
Грузия	13.08.2009	1	1,6718	1	2,3681	1	5,1137
Қозоғистон	14.08.2009	1	150,77	1	214,97	1	4,72
Қирғизистон	8.08.2009	1	43,6629	1	62,6868	1	1,384
Латвия	14.08.2009	1	0,494	1	0,702804	1	0,0153
Литва	14.08.2009	1	2,4247	1	3,4528	10	7,5069
Молдова	13.08.2009	1	11,2022	1	15,8667	1	0,344
Тожикистон	13.08.2009	1	4,3901	1	6,328	10	1,3306
Ўзбекистон	11.08.2009	1	1491,73	1	2119,00	1	47,29
Украина	13.08.2009	100	773,94	100	1096,673	10	2,3673
Эстония	13.08.2009	1	10,9747	1	15,6466	1	0,342157

Манба: www.prime-tass.ru

● УСТУВОРЛИКЛАР

– Олий Мажлис Қонунчилик палатасида
1-бет

● ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Фақат онанинг хоҳишига кўра
– Республика ўқитади
– Кўчма тусдаги саволлар
– Уй ўзбошимчалик билан қурилган. Буни

қандай қилиб қонунийлаштириш мумкин?
2-3-бетлар

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

– Хавфли иш
4-бет

● ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

– «Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;
– «Истеъмол товарлари

(хизматлар)нинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш тўғрисида»;

– «О мерах по ускоренной реализации важнейших инвестиционных проектов и закупке технологического оборудования на 2009-2010 годы».
5-12-бетлар
● top
13-16-бетлар

УЙ ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН. БУНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚОНУНИЙЛАШТИРИШ МУМКИН?

Ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат қилишнинг етарлича самарали тизими йўқлиги боис ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва ўзбошимчалик билан иморат қуриш ҳоллари учраб туради.

Республиканинг ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан тақдим этилади. Афсуски, ушбу тартибни бузишлар, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ер участкаларидан уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз фойдаланиш ҳолатлари барҳам топган эмас.

Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 212-моддасига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Мазкур таъриф универсал бўлиб, у ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишни ҳам, қуриш тартибини бузишни ҳам қамрайдди. Таърифдан кўришиб турибдики, агар ҳатто ер участкаси белгиланган тартибда олинган бўлса-ю, бироқ объект қурилишига архитектура ва қурилиш органларининг рухсатномаси бўлмаса, у ўзбошимчалик билан қурилган ҳисобланади. Бунинг устига, агар ҳатто рухсатнома олинган, бироқ қурилиш архитектура ва қурилиш меъёрлари ҳамда қоидаларини жиддий равишда бузган ҳолда олиб борилган бўлса, шунда ҳам объект ўзбошимчалик билан қурилган ҳисобланади ва ушбу далил уни фойдаланишга қабул қилишни рад этиш учун сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбошимча қурилишнинг оқибатлари анча қаттиқдир. ФКнинг ана шу 212-моддасига кўра ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини олмайди. Улар иморатни тасарруф этишга – сотишга, ҳада этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмаслар. Ўзбошимчалик билан қурилган иморат қурилиши унинг ерида амалга оширилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даввоси бўйича суднинг қарорига биноан уни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим, айрим ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролар кўпинча кўчмас мулкка ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш органларига ер участкаси ва унда қурилган уй-жойни қандай қилиб қонуний асосларда расмийлаштириш лозимлиги хусусида савол билан мурожаат қиладилар.

Республикамиз қонунчилиги ўзбошимчалик билан иморат қуриш ҳолларига анча либерал муносабатда бўлади, чунки унинг оқибатлари ҳар доим ҳам жамият учун хавфли бўлавермайди. Ўзбошимчалик билан қурилган уйни бузиб ташлаш доим ҳам аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлмаслиги мумкин. Кўпинча ушбу ҳуқуқбузарликларни

ушбу уйларда айни вақтда яшаётган фуқаролар эмас, балки уларнинг ота-оналари содир этганлар. Ер бизда давлат мулки ҳисобланади, давлат органлари ҳам ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал этишлари мумкин.

Ер кодекси (ЕК)нинг 91-моддаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларнинг кимга тегишлилигига қараб харажатларни тўламасдан қайтарилишини белгилаб, ундан узоқ йиллар мобайнида фойдаланган юридик ёки жисмоний шахсда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳуқуқ вужудга келиши мумкин бўлган ҳолларни кўриб чиқмайди. Фуқаролик қонунчилиги меъёрларини таҳлил қилиб кўриб, камина айрим ҳолларда ўзбошимчалик билан иморат қуришни легаллаштириш мумкин деб ҳисоблайман. Мен куйида таклиф қилаётган ўзбошимчалик билан иморат қуриш масалаларини ҳал қилиш йўллари мунозарасиз демайман, масалан баъзилар уларга қўшилмаслиги мумкин. Бироқ бошқа тартиб мавжуд эмас.

Турар жой ва ер участкасига ҳуқуқ олиш ташаббускорлари бўлиб манфаатдор фуқароларнинг ўзлари чиқишлари керак. Бироқ ўз таркибида ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматларига эга бўлган ер ресурслари ва давлат кадастри бўйича давлат органлари ҳам ердан фойдаланишни тартибга солишдан манфаатдор бўлишлари керак. Ташаббускорларнинг буюртмалари бўйича барча зарур ҳужжатларни тайёрлашни улар ўз зиммаларига олишлари мумкин.

1. Турар жой ва узоқ йиллар мобайнида фойдаланиб келинаётган кўшни участка ўзбошимчалик билан қўшиб олинган ер участкасига қўшиб олинишини қандай ҳужжатлар билан расмийлаштириш керак?

Қонун суднинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга мулк ҳуқуқини эътироф этиши мумкинлигига йўл кўяди. Чунончи, ФКнинг 212-моддасига мувофиқ, шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан, башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиладиган тартибда бериладиган бўлса, эътироф этилиши мумкин.

Қонуннинг ушбу меъёридан келиб чиқиб, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга ҳуқуқни расмий-

лаштириш учун биринчи навбатда ер участкаси масаласини ҳал этиш зарур. Фуқаро ер участкаси жойлашган жойдаги Тошкент шаҳри, вилоят ёки туманга бўйсунадиган шаҳар ҳокимига ўзи эгаллаб турган ер участкасини унга умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик қилиш ҳуқуқида бериш илтимос қилинган ариза топшириши керак.

Ҳоким аризани кўриб чиқиш ва таклифлар киритиш учун архитектура ва қурилиш органларига ёки ер ресурслари ва давлат кадастри органларига юбориши мумкин. Агар ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасига ҳеч ким даъво қилмаса, унда қурилган уй шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ бўлса, уларга мулк ҳуқуқини бериш бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузишга олиб келмаса, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солмаса, ушбу органлар ҳокимга фуқарога у эгаллаб турган ер участкасини бериш тўғрисида таклиф киритишлари мумкин.

Бунда шуни эътиборда тутиш лозимки, ЕКнинг 27-моддасига мувофиқ яқка тартибда уй-жой қуриши учун бир оилага фақат 0,06 гектаргача бўлган ер участкаси умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк қилиб берилиши мумкин. Ушбу меъёрдан ошиб кетадиган майдон, агар у бошқа шахсга уй-жой қуриш учун берилгудек бўлса, олиб кўйилиши мумкин. Агар бундай имконият йўқ бўлса, у тадбиркорлик фаолиятини юритиш ёки иморат қурмасдан фойдаланиш учун ижарага берилиши мумкин.

Ҳоким томонидан ер участкаси тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин фуқаро судга унда ўзбошимчалик билан қурилган иморатга мулк ҳуқуқини эътироф этиш илтимос қилинган ариза топшириши лозим. Суд ижобий қарор қабул қилган тақдирда, унга ва ҳокимнинг қарорига асосан фуқаронинг ер участкаси ва уй-жойга ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилади.

2. Квартиралари фуқаролар томонидан хусусийлаштирилган кўп хонадонли уй-жой қурилган ер участкасини ҳар бир фуқарога расмийлаштириш мумкинми?

Агар ер участкасида кўп хонадонли уй-жой жойлашган бўлса, у, ЕКнинг 10-моддасига биноан, квартира мулкдорлари ўртасида тақсимланиши мумкин. Бунда қуйидаги шартларга риоя этилиши керак:

уй-жой қурилишига ер участкаси белгиланган тартибда ажратилган; унинг асосий мақсади ўзгартрилмаган; ённинг қарши санитария, экология, шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларига риоя этилган бўлиши лозим;


ва, энг муҳими, тақсимлаганда унинг барча аҳолиси ер участкаларидан фойдаланаётганда ноқулайликлар вужудга келмасин, уларнинг ҳар бири кўчага чиқиш имконига эгадир. Ҳар бир квартира мулкдо-

рига умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик қилиш ҳуқуқида ер участкасини бериш Тошкент шаҳри, вилоят ёки туманга бўйсунадиган шаҳар ҳокимининг қарори билан расмийлаштирилиши керак.

Агар ер участкасини ушбу шартларга риоя этган ҳолда тақсимлаб бўлмаса, у, ЕКнинг 21-моддасига биноан, биргаликда фойдаланиладиган ер участкаси ҳисобланади. Бу ҳолда ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги гувоҳномасида қуй-

ида нотариус ворисларнинг борлиги ва таркибини, уй-жойни бир ёки бир неча ворисга мерос қилиб топшириш шартларини аниқлайди.

Уй-жойга ва ворислик ҳуқуқида ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштирмаслик катта қийинчиликларни туғдириши мумкин. Чунончи, ҳужжатларни кўриб чиқаётганда нотариус мерос қолдирувчининг уй-жойга мулк ҳуқуқида эгалиги ёки эга эмаслигини аниқлаши шарт. Эҳтимол, у ўзбошимчалик билан қурилгандир.



идагилар кўрсатилиши керак: ер участкасининг умумий майдони; у биргаликда эгаликда эканлиги; барча ер эгаларининг фамилиялари. Ҳар бир ер эгаси ҳам ушбу ҳужжатни олиши керак.

3. Агар ота-оналари ўтмишда уларнинг чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартирган, уй-жойлар қурган бўлсалар, улар томонидан узоқ йиллар мобайнида фойдаланиладиган ер участкаларига меросхўрларнинг ҳуқуқини қандай расмийлаштириш керак?

Ер участкаси ва уй-жойга ҳуқуқларни расмийлаштиришни уй-жойни мерос қилиб қолдириш масаласини ҳал қилишдан бошлаш зарур.

ФКнинг 1112-моддасига мувофиқ ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Бизда, афсуски, васият расмийлаштириш кенг тарқалмаган. Шу сабабли кўпинча ворислик мерос қолдирувчининг қариндошликнинг олтинчи бўғинига қадар барча қариндошлари уй-жойга бўлган ўз улушини даъво қила оладиган қонун бўйича амалга оширилади.

Мерос очиш учун фуқаро мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаш жойдаги нотариал идорага мурожаат қилиши керак. Нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтгач, унга ворислик ҳуқуқида гувоҳнома бериши шарт. Бу вақт

Унинг уй-жойга мулк ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлмаса, судга мурожаат қилиш лозим, у ФКнинг 187-моддасига мувофиқ, агар улар кўчмас мулкка ўн беш йил давомида ўзики каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган бўлсалар, мерос қолдирувчи ва вориснинг улар мулки ҳисобланмаган уй-жойга эгалик қилиш (мулк) ҳуқуқини эътироф этиши мумкин. Яъни, агар фуқаро ўзбошимчалик билан қурилган уйда ўн беш йил давомида ошқора яшаса, бунга ота-онаси яшаган вақт ҳам қиради, яъни унга ҳисоба олинган, бюджетга тегишли солиқларни тўлаб борса, маҳалланинг жамоат ҳаётида иштирок этса, суд унинг уй-жойга мулк ҳуқуқини эътироф этиши мумкин. Суд уй-жойнинг фуқарога тегишлилиги масаласини ҳал этганидан сўнг фуқаро шаҳар (туман) ҳокимига у эгаллаб турган ер участкасини беришлари тўғрисида ариза топшириши лозим.

Бироқ шуни эътиборда тутиш зарурки, агар иморатни сақлаб туриш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузишга олиб келса ёки фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирса, кўрсатилган шахсларнинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга мулк ҳуқуқи эътироф этилмаслиги мумкин.

Арзет ЛАТИПОВ,
эксперт.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 3 августдаги 229-аф-сонли буйруғига асосан «OSIYO PLYUS AUDIT» хусусий корхонасига 2008 йил 14 мартда берилган 00326-сонли лицензиянинг амал қилиши 2009 йилнинг 3 августидан тугатилди.

Молия вазири ўринбосари
М.МИРЗАЕВ.

РЕКЛАМА

МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббийот
металл каркада
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

ХАВФЛИ ИШ...

ИЧКИ ХАВФСИЗЛИК ВА ТИЖОРАТ РАЗВЕДКАСИ

ТАЙЁР ОШГА БАКОВУЛЛАР...

Рустам МИРЗАЕВ,
«Sairam Tourism»
акциядорлик жамияти
бош директори
(сайёҳлик бизнеси)



– Сайёҳлик бизнесида бизни энг кўп қийнаётган масалалардан бири текникхўр компаниялардир. Айталик, сиздаги ҳамкор шерикларингизга доир маълумотлар базасидан, тижорат билан боғлиқ бошқа муҳим ахборотлардан эмин-эркин фойдаланиб юрган бир ходимингиз компаниянгиздан бўшаб ёки сизларда номига ишлаган бўлиб, хуфиёна тарзда ўз фирмасини очади. Баъзилар ҳатто шунчалик боришадики, қанча йиллардан бери ишлаб келаётган компанияда ўтириб олиб, янги компанияси номидан ёзишмалар олиб боришдан ҳам ор қилмайди. Ҳамкорларингиз сиздаги муайян ходим билан иш олиб боришга кўникиб қолганликлари учун ҳам аслида сиз билан эмас, балки тайёр ошга баковуллик қилаётган компания билан амалий алоқа қилаётганликларининг фарқи ҳам бормай, у билан осонгина мулоқотга киришиб кетади. Бизларда бозорда фаолиятнинг турли соҳаларида айна шу тарзда ташкил топган фирмалар топилади. Бундан ҳеч ким холи эмас, бинабарин истаимизми-йўқми, ходимларнинг базан ишдан бўшаб кетиши бор гап.

Одам касб борасида камол топса, нур устига аъло нур. Моҳият эътибори билан буни оддий ҳол деб баҳолаш мумкин. Аммо ходим ишдан кетар экан, сиз унга ишонган тайёр ахборотларни ҳам ола кетиши инсофдан эмас ва буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Ривожланган мамлакатларда бундай вазиятлар билан қонунчилик даражасида кураш олиб борадилар ва буни тўғри иш деб биламан. Ҳамонки рисоладагидек ҳимоя йўқ экан, бировга бирон нарсани ишониб бўлмайди, демак беҳадик ривожланишга йўл йўқ. Ҳар бир ходимнинг олдида гов-тўсиқ қўйиш эса компания учун беҳад катта тўғанок бўлур эди.

– Борди-ю, муайян ходим мустақил иш юритиш даражасида «пишиб ётилган» бўлсачи?

– Унга ўз компаниясини ташкил этишда ҳар иккала тарафга зарар етказмаган ҳолда ёрдамлашиб юбориш мумкин. Бизда бошқа бир бизнес соҳасида шундай бўлганди: мутахассис мустақил ишлаш истагини билдирган, унга устав капитални шакллантиришда ёрдам бердик, ўзи ишлаб касб борасида шу даражага эришган компаниянинг кўллаб-қувватлашини ҳис этиши ва компанияга мақбул даражада хайрихоҳ бўлиб қолиши шу йўл билан таъмин этилди. Шу зайил инсоний ва ҳамкорлик муносабатлари сақлаб қолинди. Буни мутлақо тўғри йўл дейиш мумкин.

Ходимингиз идорангизда ўтириб олиб, таъбир жоиз бўлса, қонингизни ичса, яъни текникхўрлик қилса, амалда сизга қарши иш олиб борса, бундан ёмони йўқ. Шундай воқеа содир бўлган компанияларнинг номини очик айтишга ийманиброк турибман (бизнинг деярли барча асосий рақобатчиларимизда шундай бўлган эди), бизда ҳам бу нарса борлиги шубҳасиз.

Бундай таҳдид-таваккалчиликларнинг олдини олиш учун ўзимизда пухта тизим ишлаб чиқдик. Бундан ташқари, ходимлар ўзларини воёга етказган компания билан рақобат майдонида беллашув осон бўлмаслигини ҳам яхши биладилар...

РАҚОБАТЛАШАДИГАНИНГ ИККИ-УЧТАДАН ОШМАСА-ЧИ...

Собир УБАЙДУЛЛАЕВ,
«SUPROMED»
хусусий илмий-ишлаб
чиқариш фирмаси-
нинг бош директори
(тиббий техника
ишлаб чиқариш)



– Илм жабҳасидан секин-асталик билан бўлса-да, бизнес соҳасига кириб қолдим. Сил касаллигини лазер ёрдамида даволаш усулини 1984 йили ишлаб чиққан ва ўша йилнинг ўзида патент олган эдик: хозир ҳам бу усулни фаол тарзда, бирмунча мукамалроқ аппаратлар ёрдамида кўллаб келмоқдалар... Эндиликда менинг асосий ва сеvimли бизнесим ҳар хил тиббий техника ишлаб чиқиш бўлиб, хавфсизлик масалалари нуқтаи назаридан бағоят ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Биз юритаётган бизнес соҳасида хавфсизликнинг бир неча омиллари бор. Биринчидан, ҳар қандай тиббий ускуна пировард истеъмолчига бориб етгунча рўйхатдан ва сертификатлаштиришдан ўтказилмоғи лозим. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган бу ускунанинг стандартларга мувофиқлигини техник синовдан ўтказад, сўнгра клиник синовларга навбат келади ва яна талайгина ишлар қилинади. Шундан кейингина беш йил мuddатга мўлжалланган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини оламиз, бу ҳужжат ана шу ускунани Ўзбекистонда тайёрлаш ва чиқаришга ижозат этади. Кейин эса ўша, аввалги ишларнинг иккинчи босқичи бошланади... Ускуналарнинг бир туркумини тайёрлагач, уларни яна сертификатлаштиришимиз, бошқача қилиб айтганда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасида мужассам этилган стандартларга мувофиқлигини исботлаб беришимиз лозим. Ана шу тартиб-таомиллар, бир тарафдан, бизнесимизни муайян даражада қалбаки маҳсулотлардан ҳимоя этмоқда, бошқа тарафдан эса контрабанда йўли билан олиб кирилаётган Хитой маҳсулотлари билан рақобатлашишга мажбур бўлаётган ускуналаримизнинг таннархини ва табиийки, баҳосини ошириб юбормоқда. Муайян даражада деганимнинг боиси шунки, давлатимиз ва биз томонимиздан бўлаётган барча сайёҳ-ҳаракатларга қарамай, «SUPROMED» номи билан тайёрланган қалбаки маҳсулотларга кўп дуч келмоқдамиз.

– Ишингизнинг ўзида хос жиҳатлари нимада? Ақлли мутахассисларнинг бошқа жойга ишга ўтиш кетиши муаммоси сизларда ҳам долзарбми?

– Йўқ. Мутахассислар малака ортиргач, биздан кетишлари мумкин, аммо уларнинг мамлакатимиз ичкарасида шу йўналишда ишга жойлашуви амалий жиҳатдан норасалдир. Худди шундай жойга ишга ўтиш учун айна шундай компания керак. Мамлакатимизда эса бизникига ўхшаш компаниялар сони бармоқ билан санарлидир.

– Ўз ишлаб чиқаришини ташкил этиш йўли ҳам бор-ку?

– Бу йўналишда компания ташкил қилишини ўзи бўлмайди деб ўйлайман. Эҳ-хе... каттагина пул тикниш ва бундан тайинлироқ наф олиш учун бир неча йил кутишга тўғри келади. Бунга ҳамма ҳам қаноат қилавермайди, албатта. Чунки бизникига нисбатан қанчадан-қанча рентабелли бозорлар бор.

– Ўзингиз эътироф этганингиздек, бу жабҳада икки-учта компания фаолият юритаётган бўлса, ахборот хавфсизлиги масалалари сизлар учун унча аҳамиятли бўлмас керак-а?

– Буниси унча муҳим эмас. Мен бир ибратли мисол келтиришим мумкин: биз ультрабинафша лампочкалар ишлаб чиқарардик, дилерлардан бири уларни сотиш билан шуғулланарди. Афтидан, ўз ишига жуда пухта эканлиги боис савдоси яхши эди, бунинг устига бозордаги вазият ўша кезлари баҳони оширишига имкон берди... Хуллас, бу иш унинг ҳаёлини ўғирлаб, ўз ишлаб чиқаришини ташкил этди, талаб даражасида рўйхатдан ўтиб, ана шу лампочкаларнинг нусхаларини ўзида ишлаб чиқаришга киришди. Лекин уни бозорда яхши билишмасди, маҳсулотнинг баҳоси бир ярим баравар арзон эканлигига қарамай, мижозлари кўпаймади. Иш шу билан яқин топдики, мен вақтинча бу йўналишда ишларни тўхтатиб, ундан ана шу лампочкаларни арзон нархда олиб, ўзим лозим толган нархда сота бошладим. Айталик, бир буюртмачи келиб мендан 10 – 20 номдаги тиббиёт ускунасини сотиб олади. Уларнинг орасида биттагина ультрабинафша лампочка ҳам бўлади. Ҳалиги ҳамкасабамага лампочкасини сотиб олиш учун фақат бир киши борган мuddат устида мендан ўнлаб мижозлар нарса харид қиладилар... Шу сабабли мен унга кўнгирак қилиб лампочкаларидан оламан. Менга сийлов ҳам беришини айтмайсизми?!

– Демак амалда у филиалингиз бўлиб қолибди-да?

– Ҳа. У ўз ҳисобидан менга филиал ташкил этиб берди, мутахассисларим бошқа ишлар билан шуғулланиши учун шароит ҳам яратиб берди. Лекин бу ишларнинг замирида ҳам барибир хавфсизлик масаласи ётибди... Эртага у иккинчи, учинчи, бешинчи номдаги маҳсулотларни тайёрлашга киришад ва мени бозордан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади.

– Демак, харидорнинг маҳсулотни сотиб олиб, яхшилаб ўрганиб чиққач, ўзида ҳам тайёрласа бўлаверар экан-да. Бундай ҳолатда қонун ҳужжатлари сизни ҳимоя этмайди?

– Ишлаб чиқариш фирмасининг хавфсизлиги бутунлай бошқа масала. Агар катта ёки кичиклигидан қатъи назар, муайян маҳсулотга барқарор талаб-эҳтиёж бор экан, у қорхонанинг рисоладагидек фаолият кўрсатишига имкон яратиб беради: кредит олиб, ўз фаолиятини бемалол режалаштиравериши мумкин. Аммо бугун бозори чаққон бўлиб, эртага касод бўлса, маҳсулот ўтказиш бозорида барқарорлик бўлмаса, бу жуда оғир иш... Масалан, мен фаолиятимнинг бошланғич даврида олти йил мобайнида бештагина номда ускуна чиқардим – шунинг ўзи менга етарли эди. Кейин эса бутун бозор ўзгариб кетди. Дастлаб давлат таъминотидаги харидорлар кўп эди, улар маҳсулотимни бюджет ҳисобидан сотиб олишарди. 1998 йилда мамлакат Президентининг соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш ва тиббий хизматлар бозорини вужудга келтириш тўғрисидаги Фармони чикқач, хусусий тиббий қорхоналар пайдо бўла бошлади. Уларнинг талаб-эҳтиёжи, биринчидан, бошқача эди, иккинчидан, у ёки бу маҳсулотдан бит-

тадан нусха олардилар, холос... Мг келган мижозлар нимани сотиб олишини билмасдим, шу сабабли каттагина айланма маблағларни дарэҳтиёт қабилидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киритишга тўғри келди. Илгарилари бештагина номдаги маҳсулот билан кифояланган бўлсам, эндиликда камида йигирмата маҳсулот ишлаб чиқараман, олти-еттита маҳсулотни импорт қиламан. Бир тасаввур қилиб кўринг-а. Ана шу ишларга қанчадан-қанча маблағ сарфланади, маҳсулотни ишлаб чиқариш, сертификатлаштириш, кейин оғборга киритиб қўйиб мижозни кутиб ўтириш ишлари билан андармон бўлиб, камида 4 – 5 ой мuddат ўтганини ҳам билмай қоламан. Бу мuddат мобайнида бозордаги талаб-эҳтиёж ўзгариб, қайсидир маҳсулотга талаб пасайиб кетиши, бошқасига эса, аксинча, ошиши мумкин. Кўпинча шундай бўладики, бирон маҳсулотни ишлаб чиқарсан, бу маҳсулот эса дейлик бир йил «ўлик мол» бўлиб, пулингги банд этиб ётаверади. Бизнесимнинг хавфсизлик нуқтаи назаридан энг оғир қирриси шу деб биламан.

– Гапингизга қараганда рақобатчиларингиз ҳақида бирон нарса билишингиз сизга қизиғи ҳам йўқ экан-да?

– Шундай ҳам мен улар ҳақида ҳамма нарсани биламан, чунки уларнинг ҳаммаси билан ошана-огаини қарчилигимиз бор. Бир-биримизга тиш қайраб юрадиган даражада кўп эмасмиз. Ҳар бир рақобатчида бошқалар ишлаб чиқармаётган бирон нарса бор. Мижоз эса одатда ўзига керакли нарсаларни бир жойнинг ўзидан олишни кўплайди, уч-тўрт жойга бориб юришни ёқтирмайди. Табиийки, рақобатчиларимга кўнгирак қилиб муайян буюртма бўйича ўзимда бўлмаган нарсаларни улардан сотиб оламан. Бошқалар ҳам шундай қилишади ҳисоб.

– Рақобатчиларингиздан бири айна сиз ишлаб чиқараётган маҳсулотни чиқара бошласа-чи?

– Айна мuddао-ку бу! Бу ҳол муҳандисларимни ишга солиб қўяди: демак ё таннархни пасайтириш ёки сифат бўйича бошқалардан ўзиб кетишга ҳаракат қилиш керак. Мен, масалан, юқори сифатли ускуна тайёрлашга ҳаракат қиламан, шу сабабли маҳсулотимнинг нархи ҳам шунга яраша бўлади. Маҳсулотни фақатгина мендан олишни хоҳлайдиган мижозларим ҳам кўп.

– Юқорида айтилганлардан ахборот хавфсизлиги масалалари сиз учун долзарб эмас деган хулосага келиш мумкинми?

– Ахборот хавфсизлиги масаласида – шундай. Менда тайёрланаётган ускуна жуда мураккаб, ҳатто уни тайёрлашни ўзимда ўрганган мутахассис бошқа жойга ўтиб кетган тақдирда ҳам тайёрлаши даргумон. Бунинг сабаблари кўп. Қолаверса, умуман олганда ҳозирча бундай бўлгани ҳам йўқ. Бизнеснинг бу соҳасидаги мураккабликнинг ўзиёқ унинг муҳофазасини таъминлайди.

Биз ишлаб чиқараётган ускуналар унча қиммат бўлмаганлиги боис амалда импорт қилинмайди ҳисоб, чунки бож билан қўшилган қиймат солиғи шундай қилиш илинжидаги одамнинг ҳафсаласини пир қилади. Илгари биз баъзи ускуналарни Россиядан импорт қилардик – эндиликда шунга ўхшаш ускуналарни муҳандисларимиз ўзимизда ишлаб чиқармоқдалар. Улар – анчагина мураккаб ускуналар. Электроэнцефалограф, 12 каналли электрокардиограф, ультратовуш билан текширувчи аппарат ва бошқалар шулар жумласидандир. Бизда тайёрланган бундай ускуналар ечими Россиядан олиб келинадиган ускуналардан фарқ қилади. Қандайдир вазифаларни бажариш борасида улар четдан келтирилган ускуналарга тенглаша олмасда-да, нарх борасида устулик қилади. Биз айна шундай йўл билан бозорга суқилиб кирмоқчи бўлаётган рақобатчиларни, ҳатто хитойлик рақобатчиларни ҳам чеккароқда суриб қўйишни мўлжалламақдамиз.

Юлия ЯШИНА,
«Норма маслаҳатчи»
маҳсул мухбири.

Мамлакат Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони (1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сон).

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИЛИКЛАР

ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

- «Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;
- «Истеъмол товарлари (хизматлар)нинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш тўғрисида»;
- «О мерах по ускоренной реализации важнейших инвестиционных проектов и закупке технологического оборудования на 2009-2010 годы».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ТАСДИҚЛАНГАН НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА ЯККА ТАРТИБДАГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ УЧУН «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛИ ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 22-сон, 259-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жой қурилишини янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Юридик шахсларга ўз ходимларининг уй-жой қуриш бўйича меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида бошланғич бадалларни тўлашни назарда тутувчи молиявий ёрдам кўрсатиш, шу-

нингдек ипотека кредитлари бўйича фоизларни ва асосий қарзни тўлаш юзасидан белгиланган тартибда шартнома-лар тузиш тавсия этилсин.

3. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 25 май
148-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 25 майдаги 148-сон қарорига
ИЛОВА

ТАСДИҚЛАНГАН НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА ЯККА ТАРТИБДАГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ УЧУН «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛИ ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом мақсадли маблағлар ҳисобига Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги тушунчалар қўлланади:

ипотека кредити — қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишига барпо этиладиган уй-жой гарови остида бериладиган узоқ муддатли кредит;

мақсадли маблағлар — тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун имтиёзли асосда берилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси

маблағлари, шу жумладан улар томонидан «Қишлоқ қурилиш банк» устав капиталини шакллантириш учун ажратилган маблағлар;

имтиёзли давр — кредит бўйича асосий қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш учун берилган давр;

якка тартибдаги уй-жой — битта ёки битта ер участкасида жойлашган, уларга тегишли ёрдамчи-ҳўжалик иморатлари ва ҳовли иншоотларига эга бўлган доимий яшаш, дам олиш ва ҳўжалик юритишга мўлжалланган бир нечта уй-жой иморатлари (кейинги ўринларда уй-жой деб аталади);

қарз олувчи — қишлоқ жойда яшайдиган, қишлоқда уй-жой қурилиши учун ипотека кредити оладиган ва олинган суммани кредит шартномасида белгиланган шартларда қайтариш мажбуриятини қабул қиладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

биргаликда қарз олувчилар — қарз олувчининг ипотека кредити ва унинг бўйича фоизларнинг ҳар ойдаги тўловларида қатнашадиган, шунингдек ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган яқин қариндошлари;

пудратчи — қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга оширувчи ихтисослаштирилган пудрат қурилиш ташкилоти;

бошланғич бадал — қарз олувчининг қурилаётган уй-жой смета қийматининг камида 25 фоизи миқдоридagi қуйидагича тарздаги:

қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг ёки юридик шахс — қарз олувчи иш берувчисининг банкда қарз олувчи номига миллий ёки хорижий валютада очилган омонат қўйилма ҳисоб рақамига киритилган пул маблағлари;

тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) томонидан ўз маблағлари ҳисобига сотиб олинган қурилиш материаллари тарзидаги ўз маблағлари;

ипотека — белгиланган тартибда ер участкаси билан бирга қурилаётган уй-жой ипотекаси учун бериладиган ипотека кредити олиш мақсадидаги кўчмас мулк гарови;

кредит шартномаси — банк ва қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) ўртасида тузилган, қишлоқда уй-жой қурилиши учун бериладиган ипотека остида кредит бериш тўғрисидаги шартнома;

ипотека тўғрисидаги шартнома — кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни таъминлашда ипотекани белгилаш тўғрисида томонларнинг битими;

тўловга қодирлик — қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг кредит шартномаси бўйича ўз тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш бўйича жами даромадлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган лаёқати;

омонат қўйилма — қурилаётган уй-жой смета қийматининг камида 25 фоизи миқдоридagi бошланғич бадални жамлаш учун очиладиган мақсадли омонат қўйилма;

қурилиш-уй-жой омонат қўйилмаси — бир йилдан ортиқ муддатли мақсадли жамғарма омонат қўйилмаси, у уй-жой қурилиши бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва бошланғич бадални тўлаш учун очилади, шунингдек ушбу қўйилмани очган жисмоний шахсларга, омонатга қўювчи томонидан кредит суммасининг камида 25 фоизи жамғарилган тақдирда, уй-жой қуриш учун имтиёзли ипотека кредити олишга устунлик ҳуқуқини беради;

намунавий лойиҳа — замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини республика минтақаларининг табиий-иқлим шароитларини ва жойнинг рельефини, ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўлланиб намунавий уй-жойлар қуриш учун «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ лойиҳалаш-қидирув институти томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган лойиҳа. Намунавий лойиҳа: ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ҳолдаги ер участкаси режасидан; уй-жойнинг пойдеворлари, ертўлалари, қаватлари, кесимлари ва фасадларининг режаларидан; смета-молиявий ҳисоб-китобдан иборат бўлади.

3. Ипотека кредитлари намунавий лойиҳа асосида, белгиланган қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда қишлоқ жойларда уй-жой қуриш мақсадлари учун берилади.

4. Қарз олувчининг эри (хотини) ёки бошқа оила аъзоси қарз олувчи сифатида кредитни ва унинг бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашда қатнашиш истагини билдирган тақдирда улар биргаликда қарз олувчилар, қарз олувчи эса асосий қарз олувчи ҳисобланади. Бунда кредит шартномаси асосий қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчилар билан тузилади.

5. Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қуриш:

қарз олувчи ва пудратчи ўртасидаги пудрат шартномаси асосида;

қарз олувчининг ўз кучлари билан амалга оширилиши мумкин.

6. Ер участкаларини яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарори билан тасдиқланган Яқка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

II. ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

7. Ипотека кредитлари олти ойдан иборат имтиёзли давр билан 15 йилгача муддатга берилади.

8. Ипотека кредити миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1 000 бараваридан ошмайдиган миқдорда белгиланади.

9. Ипотека кредитидан фойдаланганлик учун банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг банк кредит комиссияси (қўмитаси) томонидан ижобий қарор қабул қилинган кундаги қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида фоизлар ундирилади.

Фоизлар қарз олувчи томонидан унинг олган ипотека кредити тўлиқ тўлангунгача кредит бўйича қарзларнинг амалдаги қолдиғига ҳисоблаб қўйилади.

10. Ипотека кредитлари шартнома асосида ҳамда қайтариллиш, тўлиқлик, таъминланганлик, мақсадли фойдаланиш ва муддатлилик шартлари билан қуйидаги талабларга жавоб берувчи қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)га берилади:

қишлоқ жойларда яшайдиган, ипотека кредити олиш учун муурожаат қилган кунда 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига;

охирги 12 ой мобайнида доимий иш жойига, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигидан ёхуд яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан доимий даромадга, шунингдек ипотека кредити бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни ва асосий қарзни тўлов жадвалига мувофиқ ҳар ойда тўлаш учун етарли бўлган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад манбаига эга бўлган шахсларга;

барпо этилаётган уй-жой смета қийматининг ва/ёки бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг ва/ёки барпо этилаётган уй-жой смета қийматининг камида 25 фоизи суммасидаги қурилиш материаллари қийматининг камида 25 фоизи миқдорида бошланғич бадал учун маблағга эга бўлган шахсларга;

кредит ташкилотларидан кредитлар бўйича тўлов муддати ўтган қарзи бўлмаган шахсларга берилади.

11. Қарз олувчи ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаш учун ўз маблағларига эга бўлиши керак. Бунда бошланғич бадал суммасининг бир қисми ёки унинг жами суммаси қарз олувчининг иш берувчиси ҳисобланадиган юридик шахс томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарз олувчининг номига банкда очилган омонат қўйилма ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкин.

Пул маблағларини омонат қўйилма ҳисоб рақамига ўтказиш омонат қўйилма ҳисоб рақамини очиш юзасидан ариза асосида банкнинг қўйилма шартномаси билан расмиyllаштирилади.

12. Бир йилдан ортиқ муддат билан уй-жой қурилишига ўтказилган қурилиш-уй-жой омонат қўйилмасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда фоизлар ҳисоблаб ёзилади, улар ҳар ойда капиталлаштириб борилади.

Омонат қўйилма ҳисоб рақамини очиш ва унинг бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби банкнинг ички қоидалари билан белгиланади.

13. Ер участкаси билан бирга барпо этилаётган уй-жой ипотекаси қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг ипотека кредитини тўлаш бўйича мажбуриятларининг таъминланиши ҳисобланади.

14. Банкнинг кредит комиссияси (кўмитаси) қарори асосида ипотека сифатида, шунингдек, қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг мулки бўлган бошқа кўчмас мулк ҳам қабул қилиниши мумкин.

15. Ипотека кредитлари банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида берилади.

16. Берилаётган ипотека кредити миқдори қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг тўловга қодирлигини баҳолашдан ҳамда қурилаётган уй-жойнинг смета қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ҳамда у энг кам ойлик иш ҳақининг 1 000 бараваридан, шунингдек қурилаётган уй-жой смета қийматининг 75 фоизидан ошмаслиги керак. Ипотека кредити чекланган миқдорининг ҳисоб-китоби мисоллар ушбу Низомга 1-иловада келтирилган.

III. ИПОТЕКА КРЕДИТИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

17. Ипотека кредити олиш учун мижоз яшаш жойидаги туман (шаҳар) банк филиалига, у бўлмаган тақдирда банкнинг яқин жойдаги филиалига мурожаат қилади.

Ипотека кредити олиш учун банкка мурожаат қилингандан кейин банк ходими мижозга ипотека кредити беришнинг барча шартларини тушунтиради, ипотека кредити бериш юзасидан буюртманомани расмийлаштириш учун талаб қилинадиган барча ҳужжатлар рўйхатини тақдим этади ва ипотека кредити олиш жараёнидаги тахминий харажатлар турлари тўғрисида хабардор қилади.

Ипотека кредити олишда қарз олувчи қуйидаги харажатларни амалга ошириши керак:

Ипотека тўғрисидаги шартномани нотариал тасдиқлаш учун давлат божи;

гаровга қўйилган кўчмас мулк суғуртаси билан боғлиқ харажатлар;

мол-мулк қийматини баҳолаш учун тўлов (муस्ताқил баҳоловчи баҳолаган тақдирда);

ипотека тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўлов.

18. Ипотека кредити олиш учун қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1) кредит олишнинг мақсади, таъминланганлиги, муддати ва суммаси кўрсатилган ҳолда ипотека кредити олишга буюртманомаси;

2) қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) паспортининг нусхаси;

3) яшаш жойидан оила таркиби тўғрисидаги маълумотнома;

4) қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг молиявий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлар;

5) қарз олувчининг номига очилган омонат қўйилма ҳисоб рақамига пул маблағлари қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотнома ва (ёки) қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) томонидан сотиб олинган қурилиш материалларининг ва (ёки) бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қийматини баҳолаш бўйича дастлабки ҳисоб-китоб (хулоса). Банкдаги омонат қўйилма ҳисоб рақамидagi пул маблағларининг умумий суммаси ҳамда кўрсатиб ўтилган қурилиш материаллари ва (ёки) бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг қиймати қурилаётган уй-жой смета қийматининг 25 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган уй-жой қурилишининг намунавий лойиҳаси нусхаси;

7) туман ҳокимининг яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори нусхаси;

8) пудрат шартномасининг нусхаси (қурилиш пудратчи томонидан амалга оширилган тақдирда тақдим этилади).

19. Қуйидагилар қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг молиявий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади:

1) доимий иш жойига эга бўлганлар учун:

ҳодимнинг охириги 12 ой мобайнидаги даромадлари тўғрисида қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) ва оила аъзолари ишлайдиган корхона (муассаса) томонидан белгиланган шаклда берилган маълумотнома;

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки филиалида очилган яқка тартибдаги жамғарма пенсия ҳисоб рақамидан кўчирма (агар жамғарма пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этса) — банк талабига кўра тақдим этилади;

2) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар манбаига эга бўлган фуқаролар учун — уларнинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган охириги 12 ой мобайнидаги даромадлар тўғрисидаги декларациялар нусхалари.

Деҳқон/фермер хўжаликлари бошликлари ҳисобланадиган ёки юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқаролар охириги 12 ой мобайнидаги даромадлари тўғрисидаги декларациялардан ташқари, шунингдек, агар улар амалга оширадиган фаолият турлари қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлса, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва лицензиянинг нусхаларини ҳам тақдим этадилар.

20. Ипотека кредити олиш учун буюртманомалар ҳамда ушбу Низомнинг 18-19-бандларида кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар қабул қилиб олингандан кейин банк филиали кредит бўлимининг ходими тақдим этилган ҳужжатларни ўрганади ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текширади.

21. Гаровга қўйилган мол-мулкни баҳолаш қарз олувчи ва банк ўртасидаги битимга биноан амалга оширилади ҳамда гаровга қўйилган кўчмас мулк қийматини келишиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

22. Уй қуриш учун қарз олувчи томонидан сотиб олинган қурилиш материаллари қийматини баҳолаш банк ходими ёки муस्ताқил баҳоловчи томонидан дастлабки ҳисоб-китоб ёки хулоса тузиш йўли билан амалга оширилади.

23. Банк филиали кредит бўлимининг ипотека кредити олиш учун буюртманомаларни кўриб чиқиш юзасидан масъул ходими томонидан ушбу Низомнинг 20-бандига мувофиқ ўтказилган ҳужжатларни ўрганиш ва текшириш натижаларига кўра банк филиалининг кредит комиссияси (кредит кўмитаси)га ипотека кредити беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида асосланган хулоса киритилади.

24. Банк филиалининг кредит комиссияси (кредит кўмитаси) кредит буюртманомасини ва унга илова қилинган барча ҳужжатларни, шунингдек ушбу кредит буюртманомаси бўйича банк филиали кредит бўлимининг хулосасини кўриб чиқиб ипотека кредити бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ипотека кредити олиш юзасидан буюртманомани кўриб чиқиш муддати кредит олишга буюртманомаси ва ушбу Низомнинг 18-бандида санаб ўтилган барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 15 банк кунидан ошмаслиги керак.

25. Банк филиалининг кредит комиссияси (кредит кўмитаси) томонидан ипотека кредити олиш юзасидан буюртманомаси маъқулланган ва шу билан бирга мақсадли маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда банк филиали шу куннинг ўзида банкнинг минтақавий филиалига ва бош банкка мақсадли маблағлар ажратиш юзасидан буюртманомаси юборилади.

Банк филиалининг буюртманомаси асосида бош банк буюртманомаси олингандан кейинги кундан кечикмай мақсадли маблағлар ҳисобига сўралаётган суммаси ажратади.

26. Мақсадли маблағлар вақтинчалик мавжуд бўлмаган тақдирда банк филиали мақсадли маблағлар вақтинчалик мавжуд эмаслиги тўғрисида хабар олингандан кейин буюртманомаси берганларни бу ҳақда ушбу ахборот олинган-

дан кейинги кундан кеч бўлмаган муддатда хабардор қилади. Айти бир вақтда банк филиали томонидан буюртманомаси банк филиалининг кредит комиссияси (кредит кўмитаси) томонидан маъқулланган барча буюртмачилар рўйхатини, уларнинг кредит буюртманомалари банк филиалининг кредит комиссияси (кредит кўмитаси) томонидан маъқулланган санадан келиб чиққан ҳолда, календарь бўйича навбат тартибда тузади. Бунда жамғарилган бошланғич бадал қурилиш-уй-жой омонат қўйилмасида турган қарз олувчиларга ипотека кредити навбатдан ташқари бериледи.

27. Банк филиали томонидан ипотека кредити олиш учун навбатда турганлар рўйхати тузилади ва у барчанинг танишиши учун операция залининг (идоранинг) кўринарли жойига осиб қўйилади.

Мақсадли маблағлар келиб тушгандан кейин ушбу маблағлар ҳисобига ипотека кредитлари бериш мақсадли маблағлар ҳисобига ипотека кредити олиш учун буюртманома келиб тушган санага ҳамда календарь бўйича навбат рўйхатига қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади.

28. Ипотека кредити бериш тўғрисида кредит комиссияси (кредит кўмитаси) томонидан ижобий қарор қабул қилингандан кейин қўйидаги изчилликда кредит шартномаси тузилади:

а) банк уч кун муддатда ариза берувчини ёзма равишда хабардор қилади ва уни кредит шартномаси тузиш учун таклиф этади;

б) банк қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) билан кредит шартномаси тузади (2-илова);

в) қарз олувчи ўз ҳисобига ва кредит шартномасида белгиланган муддатларда суғурта ташкилоти билан ипотека предметини таваккалчиликлардан суғурта қилиш шартномасини тузиши шарт;

г) банк қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) билан «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган ипотека тўғрисидаги шартномани белгиланган шакл бўйича тузади.

29. Банкнинг ипотека кредити бериш бўйича мажбурияти қарз олувчи томонидан банкка ипотека предметини йўқолиш ва шикастланиш таваккалчиликларидан суғурта қилиш шартномасини ҳамда суғурта полисини, шунингдек нотариал тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган ипотека тўғрисидаги шартномани тақдим этгандан кейин пайдо бўлади. Ушбу шарт кредит шартномасида белгилаб қўйилган бўлиши керак.

30. Банк филиалининг кредит комиссияси (кредит кўмитаси) томонидан ипотека кредити беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда банк филиали қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)га ипотека кредити беришнинг рад этилиши сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма хулосани юборади.

Қарз олувчи банк хулосасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилгандан кейин ипотека кредити ажратиш тўғрисидаги илтимоснома билан банкка қайтадан мурожаат қилишга ҳақлидир.

31. Уй-жой қурилиши тугаллангандан кейин қарз олувчи бир ҳафта муддатда, туман ҳокими томонидан тузилган қабул қилиб олиш комиссиясига уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади. Қабул қилиб олиш комиссияси томонидан уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш далолатномаси тузилгандан ва у туман ҳокими қарори билан тасдиқлангандан кейин қарз олувчи бир ой муддатда:

а) банкка туман ҳокимининг уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори нусхасини тақдим этиши;

б) қурилган уй-жойга мулк ҳуқуқини Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси органларида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаши, шун-

дан сўнг банкка уй-жойга рўйхатдан ўтказилган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжат нусхасини тақдим этиши;

в) уй-жойни кредит шартномаси амал қиладиган муддатда йўқолиш ва шикастланиш таваккалчиликларидан суғурта қилиши, шундан сўнг банкка суғурта шартномасини ва суғурта полисини тақдим этиши;

г) банк билан уй-жой ипотекаси тўғрисида шартнома тузиши, уни нотариал тасдиқлаши ва рўйхатдан ўтказиши, сўнгра банкка тақдим этиши шарт.

IV. ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШ ТАРТИБИ

32. Ипотека кредити бериш қарз олувчига алоҳида ссуда ҳисоб рақами очиш ва кредит шартномасида кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда қарз олувчининг ёзма топшириқномаси асосида қурилиш материаллари сотиб олиш учун мемориал ордер билан ушбу ҳисоб рақамидан пул маблағларини нақдсиз шаклда савдо ташкилотлари, ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда айрим қурилиш материалларини тайёрлаш билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорларнинг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамларига, бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун эса — пудратчининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига пудрат шартномасида белгиланган шартларда ва муддатларда ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

33. Ипотека кредити бериш банк томонидан қарз олувчининг ёзма топшириқномаси олинган вақтдан бошлаб бир банк куни мобайнида амалга оширилади.

34. Уй-жойни қарз олувчининг ўз кучи билан қуришда ссуда ҳисоб рақамидан кредит шартномасида белгиланган ипотека кредити суммасининг 20 фоизигача миқдорда нақд пул, шунингдек қарз олувчининг бошланғич бадал тарзидаги омонат қўйилмасида тўпланган маблағлар бериледи.

35. Банк филиали томонидан ипотека кредитларини бериш ссуда ҳисоб рақамидан қарз олувчининг банк пластик карточкаларига маблағлар ўтказиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда банк пластик карточкаси алоҳида шартнома расмийлаштириш йўли билан қарз олувчининг номига бериледи. Шартномада ушбу банк пластик карточкасидадан ўтказилган маблағлардан фақат уй-жой қуришга қурилиш материаллари сотиб олиш учунгина фойдаланилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган бўлиши керак. Ушбу банк пластик карточкаларидан нақд пуллар берилишига йўл қўйилмайди.

Қарз олувчи ҳар ойда банк филиалига банк пластик карточкаси билан ўтказилган операциялар тўғрисида ҳисобот топшириши керак. Ҳисоботга савдо ташкилотлари, ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан сотиб олинган товарларга берилган счётлар, квитанциялар, юк хатлари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар мажбурий равишда илова қилинган ҳолдаги терминаллар чеклари илова қилинади.

Ҳисоботга илова қилинган ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида банк томонидан банк пластик карточкаси воситасида ҳисоб-китоблар қилишда ипотека кредитидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганлиги аниқланган тақдирда банк пластик карточкаси тўғрисидаги шартнома бекор қилинади, банк пластик карточкаси ҳисоб рақами ёпилади ва банк пластик карточкаси олиб қўйилади. Ипотека кредитининг белгиланган мақсадда фойдаланилмаган қисми юзасидан кредит шартномасида белгиланган миқдорларда жарима солинади ва у муддатидан олдин ундириб олинади.

36. Қурилиш қарз олувчи ва пудратчи ўртасидаги пудрат шартномаси асосида, қарз олувчига уй-жойни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шarti билан амалга оширилган тақдирда ишлар қийматини тўлаш босқичма-босқич, қурилиш-монтаж ишларини молиялаштириш ва амалга ошириш жадвалларига мувофиқ қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ипотека кредити умумий суммасининг 50 фоизгача миқдордаги аванс тўлови;

б) ипотека кредити умумий суммасининг 40 фоизгача миқдорда жорий молиялаштириш — банк ходимлари томонидан жойига борган ҳолда ва белгиланган мақсадда фойдаланиш далолатномасини тузиб аванс баланс тўловидан белгиланган мақсадда фойдаланиш текширилгандан кейин;

в) ипотека кредити умумий суммасининг қолган 11 фоизи миқдорда узил-кесил тўлов — қурилиш тугаллангандан ва уй-жой қабул қилиб олиш комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олингандан, шунингдек банк ходимлари томонидан жойига борган ҳолда (белгиланган мақсадда фойдаланиш далолатномасини тузиб) барча олдинги тўловлардан белгиланган мақсадда фойдаланганлик текширилгандан кейин 12 ой ўтгач. Қурилиш-монтаж ишларининг яширилган нуқсонлари аниқланган ва пудратчи аниқланган нуқсонларни тузатишни рад этган тақдирда кўрсатиб ўтилган маблағлар қарз олувчи томонидан уларни тузатишга йўналтирилиши мумкин.

37. Қарз олувчи томонидан омонат қўйилмасида тўпланган бошланғич бадал маблағлари биринчи навбатда уй-жой қурилишини молиялаштиришга йўналтирилади.

Қурилиш-уй-жой омонат қўйилмасида тўпланган маблағлардан фойдаланиб бўлингандан кейин банк филиали томонидан қарз олувчининг ёзма топшириқномаси бўйича ссуда ҳисоб рақамидан ипотека кредитлари ажратиш бошланади.

V. ИПОТЕКА КРЕДИТИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

38. Берилган ипотека кредитлари бўйича фоизлар ҳар кун ипотeka кредити қолдиғига ҳисоблаб ёзилади ва ҳар ойда бир марта ундирилади.

39. Асосий қарзни тўлаш қарз олувчи томонидан ҳар ойда, имтиёзли давр тугагандан кейин ипотека кредитининг бутун муддати мобайнида тенг улушларда амалга оширилади.

40. Ипотека кредити бўйича асосий қарзни тўлаш ва унинг бўйича фоизларни тўлаш тартиби кредит шартномасида белгиланади. Бунда ипотека кредити бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар ва асосий қарз кредит шартномасига илова қилинадиган тўловлар жадвалига мувофиқ ундирилади.

41. Қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) томонидан фоизларни ва ипотека кредитини тўлаш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

а) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, гонорарлар, дивидендлар, фоизлар ва қимматли қоғозлар бўйича олинадиган бошқа даромадлар ҳисобига нақд пулсиз шаклда ўтказиш йўли билан;

б) нақд пул ўтказган ҳолда;

в) қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг банкдаги омонатлари бўйича ҳисоб рақамларидан нақдсиз шаклдаги пул маблағлари ўтказиш йўли билан;

г) банк пластик карточкаларидан пул маблағларини нақдсиз тўлаш йўли билан;

д) нақдсиз шаклдаги пул маблағларини қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг иш берувчиси томонидан, моддий ёрдам маблағлари ва ипотека кредитини тўлаш учун ажратилган бошқа маблағлар ҳисобидан ўтказиш йўли билан;

е) фермер хўжалиқларининг йил якунига кўра фермер хўжалиғи бошлиғининг шахсий тасарруфига ўтадиган даромадлари ҳисобидан ўтказиш йўли билан, агар у қарз олувчи ёки биргаликда қарз олувчилар деб ҳисобланган тақдирда;

ж) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига.

42. Қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) асосий қарзни ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлашни кредит шартномасида белгиланган тўлаш муддати бошлангунча ёки тугагунгача, кредитни муддатидан олдин тўлаган-

лик учун воситачилик тўловисиз, муддатидан олдин амалга оширишга ҳақлидир.

VI. ИПОТЕКА КРЕДИТИДАН БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДДА ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШ МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

43. Банк ипотека кредитидан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида доимий мониторинг олиб боради. Мониторинг жараёнида банк уй-жойни қуриш жадвалларига ва кредитдан белгиланган мақсадда фойдаланиш, асосий қарзни ва унинг бўйича фоизларни тўлаш жадвалларига, гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидаларига, ипотека предметининг ноқонуний бегоналаштирилишига йўл қўймасликка риоя этилишини назорат қилади.

Мониторинг жараёнида банк ходими уй-жой қурилаётган жойга бевосита борган ҳолда, берилган ипотека кредитидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ўрганади, шунингдек, зарурат бўлганда, кредит ҳисобига уй-жойни қуриш бўйича бажарилган ишларнинг назорат ўлчовларини амалга оширади. Мониторинг натижаларига кўра берилган ипотека кредитидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганлик ёки ҳисоботларда кўрсатилган ҳажмларда қурилиш-монтаж ишлари бажарилмаганлиги аниқланган тақдирда банк бошқа мақсадларда фойдаланилган кредитларни ундириб олиш чораларини кўради.

Ипотека кредитидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганлик учун қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)га нисбатан банк томонидан қўлланиладиган жавобгарлик чоралари кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак.

44. Асосий қарз ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар кредит шартномасида белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда банк ходими қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) билан шахсан учрашиш йўли билан мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги сабабларини аниқлайди ва тўлов муддати ўтган ипотека кредити тўланишини таъминлаш чора-тадбирларини кўришни талаб қилади.

45. Агар ипотека кредитини ўз вақтида ундириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар зарур натижаларни бермаса ҳамда ипотека кредитини ўз вақтида ва тўлиқ тўламаслик хавфи пайдо бўлса банк филиали кредит беришни тўхтайти туради ҳамда берилган ипотека кредитини ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни муддатидан олдин ундириш чора-тадбирларини кўради. Ушбу шартлар кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак.

46. Қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) томонидан ипотека кредити ва ҳисоблаб ёзилган фоизлар тўланмаганда ёки ўз вақтида тўланмаганда, кредит шартномаси ва унга илова қилинган тўлаш жадвали бўйича қабул қилинган мажбуриятлар доимий равишда бузилганда, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда банк «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан ундиришни қаратади.

VII. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТЛАР

47. Банкнинг мақсадли маблағлари ҳисобига, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишига ипотека кредитлари бўйича бухгалтерия ҳисоби қонун ҳужжатларига мувофиқ юритилади.

48. Ипотека кредитлари бўйича қарзларнинг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб рақамларида амалга оширилади.

49. Банк филиаллари берилган ипотека кредитлари тўғрисида белгиланган шакл бўйича ҳисоботлар тузиши ва уларни бош банкка тақдим этиши керак. Ҳисоботлар маълумотлари банкнинг ички қоидаларига мувофиқ тахлил ва назорат қилиш учун бош банк томонидан умумлаштирилади.

НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИГА БЕРИЛАДИГАН ИПОТЕКА КРЕДИТИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРНИ ХИСОБЛАШГА ДОИР МИСОЛЛАР

1-мисол: тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойнинг смета қиймати 30 млн сўмни ташкил қилади, берилаётган кредитнинг чекланган суммаси смета қийматининг 75 фоизини, яъни 22,5 млн сўмни ташкил қилиши керак. Қурилаётган уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдоридаги қолган қисми, яъни 7,5 млн сўми қарз олувчининг омонат қўйилмасидаги бошланғич бадал сифатида тўпланган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

2-мисол: тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойнинг смета қиймати 40 млн сўмни ва смета қийматининг 75 фоизи 30 млн сўмни ташкил қилади. Бироқ берилаётган кредитнинг чекланган суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 1 000 баравари миқдорида чегараланган, у ҳозирги вақтда (28 040 x 1 000) 28 040 минг сўмни ташкил қилади. Демак, банк томонидан берилаётган ипотека кредитининг миқдори 28 040 минг сўмдан ошиши мумкин эмас. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун маблағларнинг 11 960 минг сўм миқдоридаги етишмаётган қисмини қарз олувчи омонат қўйилмада жамғариши керак.

3-мисол: тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойнинг смета қиймати 40 млн сўмни ташкил қилади. Бироқ қарз олувчи томонидан уй-жойнинг бир қисми ўз кучи билан қурилган ёки қурилиш материаллари сотиб олинган, уларнинг баҳоси банк томонидан қарз олувчи билан биргаликда 17,0 млн сўм миқдорида баҳоланган. Ушбу ҳолатда якка тартибдаги уй-жой қурилишига банк томонидан берилаётган ипотека кредити суммаси 23,0 млн сўмни ташкил қилади.

4-мисол: тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойнинг смета қиймати 40 млн сўмни ташкил қилади. Бироқ қарз олувчи томонидан уй-жойнинг бир қисми ўз кучи билан қурилган ёки қурилиш материаллари сотиб олинган, уларнинг баҳоси банк томонидан қарз олувчи билан биргаликда 7,0 млн сўм миқдорида баҳоланган. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун берилаётган ипотека кредити суммаси 28 040 минг сўмни (энг кам ойлик иш ҳақининг 1 000 бараварини) ташкил қилади. Ушбу ҳолатда қарз олувчи ипотека кредитини олиш учун омонат қўйилмасида 4 960 минг сўм жамғариши зарур бўлади.

Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ___-сон НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

200__ йил «__» _____

(аҳоли пункти)

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки номидан Низом ва 200__ йил «__» _____ даги ___-сон бош ишончнома асосида ҳаракат қиладиган _____ филиали бошқарувчиси _____, кейинги ўринларда «**Банк**» деб аталади, бир томондан ва «__» йил _____ да берилган паспорти серияси _____, № _____, кейинги ўринларда «**Қарз олувчи**» деб аталадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси _____ иккинчи томондан ҳамда ва «__» йил _____ да берилган паспорти серияси _____, № _____, кейинги ўринларда «**Биргаликда қарз олувчи**» деб аталадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси _____ учинчи томондан, кейинги ўринда «**Томонлар**» деб аталадилар, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк Қарз олувчига/Биргаликда қарз олувчиларга Ўзбекистон Республикаси, _____ вилояти, _____ тумани, _____ аҳоли пунктида умумий майдони ___ кв. м, турар жой майдони ___ кв. м бўлган ___ та хонали ___-уйни (кейинги ўринларда уй-жой деб аталади) якка тартибда қуриш учун ушбу шартномада назарда тутилган шартларда ___ (_____) сўм миқдорида мақсадли ипотека кредити маблағлари беради, Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчилар эса кредит беришнинг умумий қоидаларига (мақсадли характери, моддий таъминланганлиги, муддатлилиги, қайтарилувчанлиги ва тўланувчанлигига) риоя этган ҳолда ипотека кредитидан фойдаланади.

2. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

2.1. Ушбу шартнома матни бўйича кейинги ўринларда учрайдиган барча атамалар (агар контекстдан бошқача маъно англашилмаса) ушбу бўлимда баён қилинган маъ-

ноларни англатади:

ипотека кредити — қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишига барпо этиладиган уй-жой гарови остида бериладиган узоқ муддатли кредит;

якка тартибдаги уй-жой — битта ёки битта ер участкасида жойлашган, уларга тегишли ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовли иншоотларига эга бўлган доимий яшаш, дам олиш ва хўжалик юритишга мўлжалланган бир нечта уй-жой иморатлари (кейинги ўринларда уй-жой деб аталади);

қарз олувчи — қишлоқ жойда яшайдиган, қишлоқда уй-жой қуриш учун ипотека кредити оладиган ва олинган суммани кредит шартномасида белгиланган шартларда қайтариш мажбуриятини қабул қилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

биргаликда қарз олувчилар — қарз олувчининг ипотека кредити ва унинг бўйича фоизларнинг ҳар ойдаги тўловларида қатнашадиган, шунингдек ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган яқин қариндошлари;

пудратчи — қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга оширувчи ихтисослаштирилган пудрат қурилиш ташкилоти;

тўловга қодирлик — қарз олувчи (биргаликда қарз олувчи)нинг кредит шартномаси бўйича ўз тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш бўйича жами даромадлар таҳлиладан келиб чиққан ҳолда аниқланган қарз қилиши;

кредит бўйича таъминлаш — белгиланган тартибда ер участкаси билан бирга қурилаётган якка тартибдаги уй-жой гарови;

бошланғич бадал — қарз олувчининг қурилаётган уй-жой сметадаги қийматининг камида 25 фоизи миқдори-

даги қуйидагича тарздаги:

қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг ёки юридик шахс — қарз олувчи иш берувчисининг банкда қарз олувчи номига миллий ёки хорижий валютада очилган омонат қўйилма ҳисоб рақамига киритилган пул маблағлари;

тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

қарз олувчи (биргаликда қарз олувчи) томонидан ўз маблағлари ҳисобига сотиб олинган қурилиш материаллари тарзидаги ўз маблағлари;

ипотека — белгиланган тартибда ер участкаси билан бирга қуриладиган уй-жой ипотекаси учун бериладиган ипотека кредити олиш мақсадидаги кўчмас мулк гарови;

ипотека тўғрисидаги шартнома — кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни таъминлашда ипотекани белгилаш тўғрисида томонларнинг битими;

кредит бўйича фоизлар — кредитдан фойдаланганлик учун тўлов;

имтиёзли давр — кредит бўйича асосий қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш учун берилган давр;

кредит берилган сана — ссуда ҳисоб рақамидан қурилиш материаллари сотиб олиш учун — савдо ташкилотлари, ишлаб чиқарувчи корхоналар ва қурилиш материаллари тайёрлаш билан шуғулланувчи яққа тартибдаги тадбиркорларнинг талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамига, бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун — пудратчининг талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамига ёхуд белгиланган тартибда қарз олувчининг банк пластик карточкаларига, шунингдек қарз олувчининг ўз кучи билан уй-жой қуришда — нақд пул маблағлари беришга маблағлар ўтказиш санаси;

кредитни тўлаш санаси — ипотека кредити бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларнинг жами қолдигини ва асосий қарз қолдигини қоплайдиган, қарз олувчининг банк олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажаришига олиб келадиган охириги тўлов тушган сана;

тўлов мажбуриятлари — қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларнинг ипотека кредити бўйича қарзларни, унинг бўйича фоизларни ушбу шартномада кўрсатилган суммада ва муддатларда тўлаш бўйича ҳамда бошқа тўловлар (ипотекани расмийлаштириш, суғурта қилиш ва шу қабилар бўйича харажатлари) мажбуриятлари;

кредит бўйича тўлов муддати ўтган қарз — ипотека кредити ёхуд унинг бир қисми, кредитдан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар, пенялар ҳамда қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар томонидан белгиланган муддатда тўланмаган бошқа тўлов мажбуриятлари бўйича қарз суммаси;

кредит бўйича қарз — кредитнинг ҳаммаси ёхуд қарз олувчи томонидан фойдаланилган ипотека кредитининг қолдиги, қарз олувчига очилган тегишли ҳисоб рақамларидаги қарз олувчига тегишли бўлган ипотека кредитидан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар.

3. ҚАРЗ ОЛУВЧИНING ТАСДИҚНОМАСИ

3.1. Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчи ушбу билан қуйидагиларни тасдиқлайди:

Банкка тақдим этилган/этиладиган кредитни расмийлаштириш ва олиш учун ҳужжатлар ва маълумотлар бундай ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган санада ҳақиқий ва ишончли ҳисобланади;

ҳозирги вақтда Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчига қарши маъмурий, суд ҳаракатлари кўзғатилмаган;

Қарз олувчи ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажариш ҳуқуқига эга ва ушбу мажбуриятлар ҳақиқий ҳисобланади;

Биргаликда қарз олувчи ушбу шартнома мажбуриятлари юзасидан биргаликда жавоб беради ва ушбу мажбуриятлар ҳақиқий ҳисобланади;

Қарз олувчининг/биргаликда қарз олувчининг ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси

қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлишига олиб келади;

агар Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчи тўловларни амалга оширишга ёки ушбу шартномада белгиланган талаблардан исталганини бажаришга қодир бўлмаса Банк кредитни муддатидан олдин қайтаришни ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни, шунингдек бошқа тўловларни муддатидан олдин тўланишини талаб қилишга ҳақлидир. Шу билан бирга, Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредитни таъминлаш бўйича ва Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчининг бошқа мол-мулкига ундиришни қаратишга ҳақлидир;

чақириб олмаслик ва муқаррар тартибда кредит бўйича ҳар қандай таъминлашни амалга оширишга ва фойдаланишга ва/ёки Банк томонидан ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча зарур чораларни кўришга Банкни вакил қилади.

4. КРЕДИТ ҚИЙМАТИ ВА КРЕДИТДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ФОИЗ СТАВКАСИ

4.1. Тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатида мувофиқ қуриладиган уй-жойнинг умумий смета қиймати _____ сўмни ташкил қилади.

Ипотека кредити суммаси _____ сўмни ташкил қилади, бу қуриладиган уй-жой қийматининг _____ фоизига тенгдир.

Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларнинг бошлангич бадала _____ сўмни ташкил қилади, бу қуриладиган уй-жой қийматининг _____ фоизига тенгдир, улардан:

а) _____ сўми ёки _____ фоизи — пул маблағлари;

б) _____ сўми ёки _____ фоизи — тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

в) _____ сўми ёки _____ фоизи — қурилиш материаллари.

4.2. Ипотека кредитидан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш амалдаги ставкасининг 50 фоизи миқдоридан белгиланади.

4.3. Ипотека кредити бўйича фоизлар Банк томонидан ҳар қуни ушбу шартноманин 4.2-бандида белгиланган фоиз ставкасидан ва кредит берилган санадан бошлаб амалдаги кунлар сонидан келиб чиққан ҳолда Қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамида Банк томонидан ҳисобга олинган кредит суммаси қолдигига ҳисоблаб қўшилади.

5. ИПОТЕКА КРЕДИТИ БҲИЧА ТАЪМИНЛАШ

5.1. Ушбу шартнома бўйича берилган кредит ер участкаси билан бирга қуриладиган уй-жой ипотекаси билан белгиланган тартибда таъминланади.

5.2. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг бир неча усуллари мавжудлиги бир-бирига зид бўлмайди, мажбуриятларни бажаришнинг ҳар қайси усули мустақил ҳисобланади ва бир-бирига боғлиқ бўлмайди.

5.3. Зарурат бўлганда, ундиришни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашни қаратишнинг усулларини танлаш ҳуқуқи Банкда қолади, у ўз хоҳишига кўра талабни усуллардан исталганига қўйиши ёки мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг барча усулларига қўйиши мумкин.

5.4. Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар кредитни таъминлашни кредит суммасининг камида 125 фоизи даражасида тутиш, шунингдек ўз ҳисобига ва кредит шартномаси амал қиладиган муддатга ипотека предмети унинг йўқолиши ва шикастланиши таваккалчиликларининг тўлиқ қийматида банк фойдасига ҳал қилиш мажбуриятини олади.

5.5. Кредитнинг қайтарувчанлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни зарур даражада расмийлаштириш бўйича ҳар қандай харажатларни Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар ўз зиммасига олади.

5.6. Кредитнинг таъминлигини белгилловчи ҳужжатлар ушбу шартноманин узвий қисми ҳисобланади.

5.7. Уй-жой курилиши тугаллангандан кейин қарз олувчи бир ҳафта муддатда, туман ҳокими томонидан тузиладиган қабул қилиб олиш комиссиясига уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади. Қабул қилиб олиш комиссияси томонидан уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш далолатномаси тузилгандан ва у туман ҳокимининг қарори билан тасдиқлангандан кейин қарз олувчи бир ой муддатда:

а) банкка туман ҳокимининг уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори нусхасини тақдим этиши;

б) қурилган уй-жойга мулк ҳуқуқини Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезказдастр» давлат кўмитаси органларида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаши, шундан сўнг Банкка уй-жойга рўйхатдан ўтказилган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжат нусхасини тақдим этиши;

в) уй-жойни кредит шартномаси амал қиладиган муддатда йўқолиш ва шикастланиш таваккалчиликларидан суғурта қилиши, шундан сўнг Банкка суғурта шартномасини ва суғурта полисини тақдим этиши;

г) Банк билан уй-жой ипотекаси тўғрисида шартнома тузиши, уни нотариал тасдиқлаши ва рўйхатдан ўтказиши, сўнгра Банкка тақдим этиши шарт.

6. ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШ ТАРТИБИ

6.1. Кредит олти ойдан иборат бўлган имтиёзли давр билан 15 йилгача муддат билан берилади. Ипотека кредитидан фойдаланганлик учун фоизларни тўлаш кредит берилган санадан кейинги ойдан бошланади.

6.2. Кредит бериш Қарз олувчига алоҳида суда ҳисоб рақами очиш ва ушбу шартноманинг 6.3-бандида кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда Қарз олувчининг ёзма топшириқномаси (аризаси) асосида тўловларни нақдсиз шаклда бир кун муддатда ўтказиш ҳамда қурилиш материаллари сотиб олиш учун ушбу ҳисоб рақамидан пул маблағларини нақдсиз шаклда савдо ташкилотлари, ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда айрим қурилиш материалларини тайёрлаш билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорларнинг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамларига, шунингдек бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун — пудратчининг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамига, банк бошқарувчиси, кредит бўлими бошлиғи ва кредит ходими имзолаган фармойишга биноан пудрат шартномасида белгиланган шартларда ва муддатларда ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Уй-жойни Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларнинг ўз кучи билан қуришда суда ҳисоб рақамидан кредит шартномасида белгиланган ипотека кредити суммасининг 20 фоизгача миқдорда нақд пул, шунингдек қарз олувчининг бошланғич бадал тарзидаги омонат қўйилмасида тўпланган маблағлар берилади.

Банк филиали томонидан ипотека кредитларини бериш суда ҳисоб рақамидан қарз олувчининг банк пластик карточкаларига маблағлар ўтказиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда банк пластик карточкаси алоҳида шартномани расмийлаштириш йўли билан қарз олувчининг номига берилади. Шартномада ушбу банк пластик карточкасидан ўтказилган маблағлардан фақат уй-жой қуришга қурилиш материаллари сотиб олиш учунгина фойдаланилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган бўлиши керак. Ушбу банк пластик карточкаларидан нақд пуллар берилишига йўл қўйилмайди.

6.3. Банкнинг ипотека кредити бериш бўйича мажбурияти Қарз олувчи томонидан қуйидагилар тақдим этилгандан кейин пайдо бўлади:

ипотека предметини йўқолиш ва шикастланиш таваккалчиликларидан суғурта қилиш шартномаси ва суғурта полиси;

нотариал тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган ипотека тўғрисидаги шартнома.

6.4. Қурилиш пудрат усулида амалга оширилган тақдирда қурилиш пудрат шартномаси бўйича пудратчи томонидан бажарилган ишлар қийматини тўлаш босқичма-

босқич, қурилиш-монтаж ишларини молиялаштириш ва амалга ошириш жадвалларига мувофиқ қарз олувчининг ёзма фармойиши бўйича қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ипотека кредити умумий суммасининг 50 фоизгача миқдордаги аванс тўлови;

б) ипотека кредити умумий суммасининг 40 фоизгача миқдорда жорий молиялаштириш — банк ходимлари томонидан жойига борган ҳолда ва белгиланган мақсадда фойдаланиш далолатномасини тузиб аванс тўловидан белгиланган мақсадда фойдаланиш текширилгандан кейин;

в) ипотека кредити умумий суммасининг 10 фоизи миқдорда узил-кесил тўлов — қурилиш тугаллангандан ва уй-жой қабул қилиб олиш комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олингандан, шунингдек банк ходимлари томонидан жойига борган ҳолда (белгиланган мақсадда фойдаланиш далолатномасини тузиб) барча олдинги тўловлардан белгиланган мақсадда фойдаланганлик текширилгандан кейин 12 ой ўтгач.

7. ИПОТЕКА КРЕДИТИНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Кредит бўйича қарзни тўлаш учун Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар томонидан йўналтириладиган тўловлар қуйидаги тартибда тўланади:

кредит бўйича тўлов муддати ўтган фоизларни тўлаш; кредит бўйича тўлов муддати ўтган қарзларни тўлаш; муддатли фоизларни тўлаш;

кредит бўйича муддатли қарзларни тўлаш; Қарз олувчининг бошқа тўлов мажбуриятларини тўлаш.

7.2. Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар асосий қарзни ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлашни ушбу шартномада белгиланган тўлаш муддати бошлангунгача ёки тугагунгача амалга оширишга ҳақлидир.

Кредит муддатидан олдин тўланган тақдирда Банк бирон-бир қўшимча воситачилик ҳақини ундирмайди.

7.3. Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланадиган илова қилинадиган тўловлар жадвалига мувофиқ ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш йўли билан ипотека кредитини ва кредитдан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлайдилар. Кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда тўлаш жадвали тўланмаган суммаларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилади.

7.4. Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар томонидан ипотека кредитини тўлаш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, гонорарлар, дивидендлар, фоизлар ва қимматли қоғозлар бўйича олинadиган бошқа даромадлар ҳисобига нақд пулсиз шаклда ўтказиш йўли билан;

нақд пулларни ўтказган ҳолда; қўйилмалар бўйича ҳисоб рақамларидан маблағлар ўтказиш йўли билан;

банк пластик карточкаларидан маблағлар ўтказиш йўли билан;

нақдсиз шаклдаги пул маблағларини қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг иш берувчиси томонидан, моддий ёрдам маблағлари ва ипотека кредитини тўлаш учун ажратилган бошқа маблағлар ҳисобидан ўтказиш йўли билан;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усуллар билан.

7.5. Агар ушбу шартнома бўйича исталган суммаларни тўлаш санаси иш куни ҳисобланмайдиган кунга тўғри келса, у ҳолда ушбу суммаларни тўлаш кейинги иш кунидан кечикмай амалга оширилиши керак.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

8.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

8.1.1. Ушбу шартноманинг 6.3-бандида кўрсатилган ҳужжатлар қарз олувчининг айби билан у имзолаган

вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) банк куни мобайнида тақдим этилмаган тақдирда Банк ушбу шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8.1.2. Қарз олувчи томонидан ушбу шартноманинг 5.8-банди шартлари белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда Банк ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга, ушбу талаб бажарилмаганда эса — кредит бўйича таъминлашни ундиришни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш шартномаларда белгиланган тартибда қаратиш ҳуқуқига эга.

8.1.3. Кредитдан фойдаланишнинг бутун даври давомида доимий мониторингни амалга ошириш. Мониторинг жараёнида Банк уй-жойни қуриш жадвалларига ва кредитдан белгиланган мақсадда фойдаланиш, асосий қарзни ва унинг бўйича фоизларни тўлаш жадвалларига, гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидаларига, ипотека предметининг ноқонуний бегоналаштирилишига йўл қўймасликка риоя этилишини назорат қилади.

8.1.4. Мажбуриятларни бажармаслик ҳолати бошланганда Банк ўз хоҳишига кўра қуйидаги ҳаракатлардан исталганини амалга ошириши мумкин:

Қарз олувчига Мажбуриятларни бажармаслик ҳолати бошланганлиги тўғрисидаги ёзма билдиришномани уни бартараф этиш учун муддатни белгиланган ҳолда юбориш; ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши қўшимча равишда таъминланишини талаб қилиш;

Қарз олувчидан кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисmini ушбу шартномада белгиланган тартибда муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш (қонун ҳужжатларида кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисmini муддатидан олдин қайтариш талаби) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

кредит бўйича таъминлашни ундиришни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш шартномаларида белгиланган тартибда қаратиш (агар таъминлашни ундириш тартиби мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг тегишли шартномаларида белгиланган бўлмаса, у ҳолда кредит бўйича таъминлашни ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади);

ушбу шартномани мазкур шартномада белгиланган тартибда бекор қилиш (қонун ҳужжатларида бундай шартномани бекор қилишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, у ҳолда ушбу шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади);

кредит бўйича фоиз ставкасини кўпайтириш (кредит ўз вақтида тўланмаган тақдирда);

ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш.

8.1.5. Банк кредит ҳисобига бажарилган уй-жой қуриш бўйича ишларнинг назорат ўлчовини амалга оширишга ҳақлидир.

8.1.6. Ушбу шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқини бунинг учун Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларнинг олдиндан розилигини олмадан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўзгага беришни амалга ошириш.

8.2. Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларнинг ҳуқуқлари:

8.2.1. Банкда бўш ресурслар мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмда, муддатларда ва шартларда ипотека кредити берилишини талаб қилиш.

8.2.2. Ушбу шартнома амал қиладиган давр мобайнида ушбу шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган сумма доирасида ва мақсадлар учун омонат қўйилма ҳисоб рақамидан ва ссуда ҳисоб рақамидан тўловни амалга ошириш.

8.2.3. Ипотека кредити суммасининг 20 фоизи миқдоридagi кредитнинг бир қисmini ва омонат қўйилма ҳисоб рақамидан тўланган бошланғич бадални нақд пул билан олиш.

8.2.4. Олинган кредитни тўлиқ қайтарган ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлаган ҳолда банк билан ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилиш.

9. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Банкнинг мажбуриятлари:

9.1.1. Ипотека кредити бериш учун Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар томонидан барча зарур шартлар бажарилгач ушбу шартнома шартларига риоя қилган ҳолда кредит бериш.

9.1.2. Ссуда ҳисоб рақамидан ушбу шартномада кўрсатилган мақсадлар учун маблағларни ўтказиш тўғрисидаги Қарз олувчининг ёзма топшириқномасини бир кун муддатда бажариш.

9.1.3. Қарз олувчи томонидан қурилиш ишлари ўз кучи билан бажарилган тақдирда қарз олувчининг нақд пул бериш тўғрисидаги топшириқномасини бир кун муддатда бажариш.

9.1.4. Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларни кредитни ёки унинг қолган қисmini бериш, кредитни муддатидан олдин ундиришни рад этиш сабаблари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш.

9.2. Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларнинг мажбуриятлари:

9.2.1. Ушбу шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) банк кунигача бўлган муддатда банк ходими билан биргаликда кредит битимини расмийлаштириш, шу жумладан:

а) ипотека предметини йўқолиш ва шикастланишдан суғурта қилиш шартномасини тузиш;

б) ипотека тўғрисидаги шартномани тузиш, уни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

9.2.2. Кредит шартномаси шартларига мувофиқ берилган кредитни ўзлаштириш.

9.2.3. Кредитни ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни илова қилинаётган тўловлар жадвалига мувофиқ ҳар ойда тўлаган ҳолда қайтариш.

9.2.4. Банк сўровига биноан Банк вакилларига ипотека кредити ҳисобига қурилган уй-жойни, шу жумладан кредитга ва ушбу шартнома бўйича Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларнинг мажбуриятлари бажарилишига тааллуқли бўлган ҳар қандай бошқа мол-мулкни бориб кўриш, шунингдек назорат ўлчовини амалга ошириш ва кредитдан белгиланган мақсадда фойдаланилишини текшириш имкониятини таъминлаш.

9.2.5. Банк талабига биноан ушбу шартнома амал қиладиган бутун давр мобайнида, Банкни қониқтирадиган шакл ва мазмун бўйича Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларнинг даромадлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш.

9.2.6. Ипотека кредитидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда Банкка белгиланилмаган мақсадда фойдаланилган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлаш, бу уни/уларни кредитни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

9.2.7. 5 (беш) кун мобайнида Банкка яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исмидаги ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатишга қодир бўлган бошқа ҳолатлардаги ўзгаришлар тўғрисида ахборот тақдим этиш.

9.2.8. Ушбу шартнома амал қиладиган муддат мобайнида Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар Банкнинг олдиндан розилигисиз шартлари ушбу шартнома бўйича Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларнинг мажбуриятига нисбатан устувор талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин бўлган учинчи томонларнинг кредитларини ва/ёки қарзларини жалб қилмаслиги керак.

9.2.9. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига доимий яшаш учун кетган тақдирда кредитни ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни муддатидан олдин тўлаш.

10. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛМАСЛИГИ ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Ушбу бандда қайд этилган ҳодисалардан исталган

ни мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳолати ҳисобланади:

кредит ресурсларидан белгиланган мақсадда фойдаланмаслик;

кредит ресурсларини белгиланган муддатларда ўзлаштирмаслик;

Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар кредит, фоизлар ва/ёки бошқа тўловлар бўйича ушбу шартнома, унинг бўйича тўловлар жадвали, шунингдек тузилиши ушбу шартномада белгиланган бошқа шартномалар бўйича белгиланган санада тўловларни амалга оширилмаганлиги;

Банкни атайлаб ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар тақдим этган ҳолда чалғитиш;

кредит бўйича Банкка Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар томонидан берилган исталган таъминлашнинг қисман ёки тўлиқ ўз қимматини йўқотганлиги ёки ноҳаққоний бўлиб қолганлиги;

Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларнинг тўловга қодирлиги ёмонлашганлиги ёки ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг мунтазам равишда бажарилмаслигига олиб келадиган аниқ ахборотнинг яширилиши;

Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларнинг Банк олдидаги мажбуриятларининг бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳодисалар;

ушбу шартнома шартларининг бузилиши;

ушбу шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар шартларининг (гаров, ипотека, кафолат, суғурта ва шу кабилар) бузилиши.

11. КРЕДИТНИ ТАЪМИНЛАШГА УНДИРИШНИНГ ҚАРАТИЛИШИ

11.1. Томонлар шунга келишдиларки, Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар томонидан ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда Банк ўз талабларини, ундиришни ипотека предмети қаратиш учун асослар вужудга келгандан кейин, Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар ва Банк ўртасида тузилган нотариал тасдиқланган битим асосида суддан ташқари тартибда қондиради.

11.2. Банк ундиришни ушбу шартнома ва ипотека тўғрисидаги шартнома шартларида назарда тутилган, гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги туфайли келиб чиққан талабларни ушбу мол-мулк ҳисобига қондириш учун мажбуриятларни таъминлаш сифатида гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақлидир.

11.3. Мажбуриятни таъминлаш учун гаровга қўйилган ипотека предмети ҳисобланадиган мол-мулкка ундиришни қаратиш Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар томонидан тўловларни киритиш муддатлари мунтазам равишда, яъни ўн икки ой мобайнида уч мартадан кўп бузилган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

11.4. «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23, 26 ва 28-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда Банк ипотека билан таъминланган мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга, ушбу талаб бажарилмаган тақдирда эса — ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақлидир.

11.5. Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишда олинган сумма Банк талабини қоплаш учун етарли бўлмаса, Банк етишмаган суммани Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларнинг бошқа мол-мулкдан олиш ҳуқуқига эга.

12. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

12.1. Банк ўз хоҳишига кўра ушбу шартнома бўйича ўзида Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчиларга нисбатан мавжуд бўлган ҳуқуқлардан исталганини қўлланиши ёхуд қўлланмаслиги мумкин. Банк томонидан ушбу ҳуқуқларни қўлланмаслик ёхуд қисман қўлланиш ушбу ҳуқуқлардан воз кечилишини билдирмайди ва улар келгусида исталган вақтда қўлланиши мумкин.

13. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

13.1. Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчилар уй-жойни

ўзбошимчалик билан қайта қурганлик ёки қайта режалаштирганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар ва ушбу уйни ўз ҳисобидан илгариги ҳолатига келтириши шарт.

13.2. Уй-жойни сотишга, ўзгага беришга, уни ижарага топширишга, ундан текин фойдаланишга, ипотека предмети манзили бўйича яқин қариндошларини ва учинчи шахсларни рўйхатга қўйишга кредит муддати мобайнида Банкнинг ёзма розилигисиз йўл қўйилмайди.

13.3. Ушбу шартнома бўйича томонларнинг мазкур шартнома билан тартибга солинмаган муносабатларини томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга соладилар.

14. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

14.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажарилмаганлик шартнома тузилгандан кейин, Томонлар олдиндан кўра олишмаган, оқилона чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулодда тусдаги ҳодисалар натижасида вужудга келган энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг оқибатлари ҳисобланса, жавобгарликдан озод этилади.

14.2. Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига Томон таъсир кўрсатиши ва уларнинг вужудга келиши учун жавобгар бўлиши мумкин бўлмаган, масалан: зилзила, сув тошқини, ёнғин, шунингдек иш ташлаш, Ҳукумат ҳужжатлари ёки давлат органлари қарорлари, ушбу шартнома предмети бажаришга тўсқинлик қилувчи исталган тусдаги ҳарбий ҳаракатлар киради.

14.3. Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига асосланадиган Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ёзма равишда зудлик билан хабардор қилиши шарт, шу билан бирга исталган Томоннинг талабига кўра ҳолатларнинг бошланиши фактини тасдиқловчи, тегишли орган томонидан берилган ҳужжат тақдим этилиши керак.

14.4. Агар шартноманинг ушбу бўлимида кўрсатилган энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари уч ойдан кўп вақт давом этса, у ҳолда ҳар қайси Томон бошқа Томонни хабардор қилган ҳолда ушбу шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Томонлар белгиланган тартибда ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилган ва бажарилмаган қисмлари бўйича узил-кесил ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

15. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

15.1. Ушбу шартнома Томонлар уни имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунгача амал қилади.

16. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

16.1. Келишмовчиликлар ва/ёки ушбу шартномада назарда тутилмаган низоли вазиятлар пайдо бўлган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда уларни музокаралар йўли билан ҳал этадилар. Томонлар келишувга эришмаган тақдирда низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш учун суд органларига берилади.

17. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Ушбу шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш Томонларнинг келишувига кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибда амалга оширилиши мумкин.

17.2. Ушбу шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда, Томонлар имзолаган қўшимча битим тарзида расмийлаштирилади.

17.3. Ушбу шартнома Томонлардан ҳар бири учун, бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилган.

Томонларнинг манзиллари, реквизитлари ва имзолари

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ, РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

<p>Банк:</p> <p>_____</p> <p>(фирмалық тўлиқ аты)</p> <p>_____</p> <p>(индекс, мақоли, телефони)</p> <p>_____</p> <p>(банк реквизитлари)</p> <p>_____</p> <p>(С.Т.В.Р)</p> <p>_____</p> <p>(фирма бошқарувидаги Ф.И.О.)</p> <p>М.Ў. _____</p> <p>(имсо)</p> <p>200 йил «__» _____</p>	<p>Қарз олувчи:</p> <p>_____</p> <p>(Ф.И.О., тўлиқ)</p> <p>_____</p> <p>(индекс, мақоли, телефони)</p> <p>_____</p> <p>(тузилган соҳаси)</p> <p>_____</p> <p>(тузилган жойи)</p> <p>_____</p> <p>(С.Т.В.Р)</p> <p>_____</p> <p>(имсо)</p> <p>200 йил «__» _____</p>	<p>Биргалиқда қарз олувчи:</p> <p>_____</p> <p>(Ф.И.О., тўлиқ)</p> <p>_____</p> <p>(индекс, мақоли, телефони)</p> <p>_____</p> <p>(тузилган соҳаси)</p> <p>_____</p> <p>(тузилган жойи)</p> <p>_____</p> <p>(С.Т.В.Р)</p> <p>_____</p> <p>(имсо)</p> <p>200 йил «__» _____</p>
--	--	---

Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДА
_____ -сон НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

200__ й. «__» _____

(аҳоли пункти)

«__» йил _____ да берилган паспорти серияси _____, № _____, кейинги ўринларда «Ипотекага қўювчи» деб аталадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси _____ бир томондан ҳамда Низом ва 200__ й. «__» _____ даги _____ -сон бош ишончнома асосида иш кўрувчи «Ипотекага олувчи» деб аталадиган «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки номидан _____ филиалининг бошқарувчиси _____ иккинчи томондан, биргалиқда «Томонлар» деб аталдилар, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ИПОТЕКА ТОМОНИДАН ТАЪМИНЛАНАДИГАН МАЖБУРИЯТ

1.1. Ушбу шартнома Томонлар ўртасида 200__ й. «__» _____ да тузилган _____ -сон Ипотека кредити бериш тўғрисидаги шартнома бўйича (кейинги ўринларда «кредит шартномаси» деб юритилади) Ипотекага қўювчининг Ипотекага олувчи олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида тузилди.

1.2. Кредит шартномаси бўйича Ипотекага қўювчи Қарз олувчи (Қарздор), Ипотекага олувчи — Кредит берувчи сифатида иштирок этади.

Кредит берувчи кредит шартномасига мувофиқ кредит шартномасида назарда тутилган шартларда Қарз олувчига уй-жой қуриш учун _____ (_____) сўм миқдорида _____ (_____) муддатга йиллик _____ фоизли ипотека кредити бериш мажбуриятини олади, Қарз олувчи эса олинган ипотека кредитини қайтариш ва кредит шартномасининг қарзни қайтариш жадвалига асосан унга 200__ й. «__» _____ гача муддатда фоизларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. Ипотекага олувчи кредит шартномасидан келиб чиқадиган Ипотекага қўювчига ўзининг пул маблағлари талаблари Ипотекага қўювчининг бошқа кредиторларидан устун даражада Ипотекага қўювчининг ушбу шартнома бўйича қўйилган мол-мулки қийматидан қондирилиши ҳуқуқига эга.

2. ИПОТЕКА ТОМОНИДАН ТАЪМИНЛАНАДИГАН ТАЛАБЛАР

2.1. Ушбу шартномага мувофиқ белгиланган ипотека, агар Ипотекага қўювчи томонидан кредит шартномаси

бўйича ўз мажбуриятлари бузилган тақдирда Ипотекага олувчига берилиши керак бўлган қуйидаги суммалар:

қарзнинг асосий суммасини ва кредитдан тўлиқ фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш ҳисобига;

Кредитга қўювчи томонидан кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятлари зарур даражада бажарилмаганда зарарларни ва неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳисобига; Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасига мувофиқ бошқаларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тарзида;

гаровга қўйилган мол-мулкка ундиришни қаратишга сабаб бўлган суд харажатлари ва бошқа харажатларни қоплаш;

гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш харажатларини қоплаш тарзида Ипотекага олувчига тўланишини таъминлайди.

2.2. Ушбу шартнома билан Ипотекага олувчининг талаблари гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобига уларни қондириш пайтида қандай бўлган бўлса, ўша ҳажмда таъминланади.

3. ИПОТЕКА ПРЕДМЕТИ

3.1. Ипотекага қўювчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун Ипотекага олувчига қуйидаги кўчмас мулкни гаровга қўйди:

3.1.1. Ўзбекистон Республикаси, _____ вилояти, _____ тумани, _____ аҳоли пунктидаги _____ -уйда жойлашган _____ кв. м майдондаги ер участкасида кредит ҳисобига қурилаётган умумий майдони _____ кв. м бўлган, шу жумладан яшаш майдони _____ кв. м бўлган яқка тартибдаги уй-жой (кейинги ўринларда «мулк» деб юритилади);

3.1.2. Ушбу шартноманинг 3.1.1-кичик бандида кўрсатилган мол-мулк жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқини.

3.2. Ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган мол-мулк _____ йил «__» _____ да _____ томонидан берилган серияси _____ рақами _____ бўлган Эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланадиган ва _____ (мулк, доимий фойдаланиш, умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик) ҳуқуқини тасдиқлайдиган _____ йил «__» _____

да _____ томонидан берилган серияси _____ рақами _____ бўлган Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланадиган эгалик ҳуқуқи билан Ипотекага қўвчиға тегишлидир.

3.3. Мол-мулк Ипотекага қўвчининг эгаллиги ва фойдаланувида қолади.

4. ИПОТЕКА ПРЕДМЕТИНИ БАҲОЛАШ

4.1. Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган мол-мулкнинг инвентаризация қиймати _____ (_____) сўмни ташкил этади, бу _____ томонидан _____ йил «__» _____ да берилган -сон маълумотнома ва _____ томонидан _____ йил «__» _____ да берилган _____-сон маълумотнома билан тасдиқланади.

4.2. Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган мол-мулк томонлар келишувига кўра _____ (_____) сўм миқдориди баҳоланади.

5. ИПОТЕКАГА ҚЎВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Ипотекага қўвчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. Гаровга қўйилган мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан белгиланган мақсадда фойдаланиш.

5.1.2. Гаровга қўйилган мол-мулкни васият қилиш.

5.2. Ипотекага қўвчи қуйидагиларга мажбур:

5.2.1. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг сақланиши бўйича харажатларни кўтариш.

5.2.2. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш, шу жумладан уни учинчи шахслар тажовуздан ҳимоя қилиш, ёнғиндан, табиий офатдан сақлаш.

5.2.3. Гаровга қўйилган мол-мулк йўқотилиши ёки шикастланишининг аниқ хавфи бўлганда, бу тўғрида Ипотекага олувчиға хабар бериш.

5.2.4. Гаровга қўйилган мол-мулк қийматининг камайишига олиб келадиган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик.

5.2.5. Ушбу шартнома амал қилиши даврида Ипотекага олувчининг гаровга қўйилган мол-мулкни кўздан кечиришиға тўсқинлик қилмаслик.

5.2.6. Ипотекага олувчиға унга гаровга берилган мол-мулк гаров билан таъминланган мажбурият тўлиқ ҳажмда бажарилгунга қадар қайта гаровга қўйилмаслигиға кафолат бериш.

5.2.7. Ипотека предметида бўлган ўзгаришлар тўғрисида, ипотека предметиға учинчи шахсларнинг тажовузлари тўғрисидаги маълумотларни Ипотекага олувчиға зудлик билан хабар бериш.

5.2.8. Гаровга қўйилган мол-мулкни учинчи шахслар ихтиёриға бермаслик ва уни Ипотекага олувчининг ёзма розилигисиз ижараға, бошқа фойдаланишға бермаслик. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг Ипотекага олувчининг розилиги билан Ипотекага қўвчи томонидан бошқа шахсға фойдаланишға берилиши Ипотекага қўвчини ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

5.2.9. Қурилиш тугаллангандан кейин уй-жойни фойдаланишға қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида ҳокимнинг қарори нусхасини, уй-жойға эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг ва кредит шартномасида кўрсатилган бошқа ҳужжатларнинг нусхасини Ипотекага олувчиға тақдим этиш.

5.3. Ипотекага қўвчи ушбу шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг тасодифий емирилиши ва тасодифий шикастланиши хавфи бўйича жавоб беради.

6. ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

6.1. Ипотекага олувчи қуйидаги ҳуқуқларға эга:

6.1.1. Ушбу шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг ҳужжатлар бўйича ҳақиқий мавжудлигини, уларнинг ҳолатини ва сақлаш шартларини текшириш.

6.1.2. Ипотекага қўвчидан гаровга қўйилган мол-мулкни

сақлаш учун зарур чоралар кўрилишини талаб қилиш.

6.1.3. Агар гаровга қўйилган мол-мулк йўқотилган бўлса ёки шу қадар шикастланганлиги оқибатида ипотека билан таъминланган мажбуриятларнинг бажарилиши жиддий равишда ёмонлашган тақдирда ипотека билан таъминлаш мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришни талаб қилиш.

6.1.4. Қарз олувчи (Қарздор) томонидан гаров билан таъминланган мажбуриятларнинг бир қисми бажарилган тақдирда гаровга қўйилган барча мол-мулкка бўлган ҳуқуқни сақлаб қолиш.

6.1.5. Ушбу шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқини Ипотекага қўвчининг бунга олдиндан розилигисиз бошқа бериш.

7. ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

7.1. Ипотекага қўвчи ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган мол-мулк давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар ҳеч кимға гаровга қўйилмаганлиги, сотилмаганлиги, ижараға топширилмаганлиги, фойдаланиш ҳуқуқи чекланмаганлигини, низода ва тақиқ остида (хатловда) эмаслигини, учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан эркин эканлигини кафолатлайди.

8. ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН МОЛ-МУЛКНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ

8.1. Ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган мол-мулк Ипотекага қўвчи ва _____ Суғурта компанияси ўртасидаги 200 _____ йил «__» _____ да тузилган _____-сон суғурта шартномаси бўйича суғурта қилинган, бу 200 _____ йил «__» _____ даги амал қилиш муддати 200 _____ йил «__» _____ гача бўлган _____-сон суғурта полиси билан тасдиқланади.

8.2. Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятлар бўйича гаровга қўйилган мол-мулк йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун ўз талаблари мол-мулк кимнинг фойдасиға суғурта қилинганлигидан қатъи назар ва қонунда белгиланган Ипотекага қўвчининг бошқа кредиторларининг фойдасиға амалға оширилган бошқа шахсларнинг талабларидан устун даражада, қонунда белгиланган чиқариб ташлашлар бундан тасовно, бевоқиф суғурта қопламасидан қондирилиши ҳуқуқиға эга.

9. ИПОТЕКА ПРЕДМЕТИГА УНДИРУВНИ ҚАРАТИШ

9.1. Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги туфайли юзаға келадиган талабларни ушбу шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган мол-мулк ҳисобига қондириш учун ушбу шартномаға кўра гаровга қўйилган мол-мулкка ундирувни қаратиш ҳуқуқиға эга бўлади.

9.2. Пул тўлаш муддатлари доимий равишда бузилганда, яъни ўн икки ой мобайнида уч мартадан ортиқ бузилганда, ушбу шартномаға кўра гаровга қўйилган мол-мулкка ундирув қаратилиши мумкин.

9.3. «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23, 26 ва 28-моддаларида назарда тутилган ҳолларда Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятларни муддатидан олдин бажаришни талаб қилиш, ушбу талаб бажарилмаганда эса — гаровга қўйилган мол-мулкка ундирувни қаратиш ҳуқуқиға эга.

9.4. Ипотекага олувчининг талабиға кўра ундирув Ипотекага олувчи билан Ипотекага қўвчининг нотариал тасдиқланган гаровга қўйилган мол-мулкка ундирувни қаратиш тўғрисидаги битими асосида қаратилади.

9.5. Ипотекага олувчи томонидан гаровга қўйилган уй-жойға ундирувнинг қаратилиши ва ушбу мол-мулкнинг сотилиши Ипотекага қўвчининг ва ушбу уй-жойда биргаликда яшайдиган оила аъзолари, шу жумладан собиқ оила аъзоларининг фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши учун асос ҳисобланади.

9.6. Гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган

сумма Ипотекага олувчининг талабини қоплаш учун етарли бўлмаса, у етмайдиган суммани Қарздорнинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга.

10. ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ

10.1. Мазкур шартнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

10.2. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади ва кучга киради.

10.3. Ушбу шартномани ва унинг ҳуқуқларидан келиб чиқадиган ҳуқуқларни нотариал тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, ипотека тўғрисидаги қайд ёзувига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ харажатлар Ипотекага қўювчи ҳисобидан тўланади.

10.4. Ушбу шартнома Ипотекага қўювчи томонидан кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади. Ипотекага қўювчи кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажаргандан кейин Томонлар ипотека тўғрисидаги қайд ёзувини қайтариб олиш учун _____ га

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

биргалиқда ариза берадилар.

11. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

11.1. Ушбу шартномани бажариш натижасида Томонлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

11.2. Ипотекага олувчининг талаби судга мурожаат этмасдан, ипотека предметиға ундирувни қаратиш учун асос юзага келгандан кейин Ипотекага қўювчи ва Ипотекага олувчи ўртасида нотариал тасдиқланган битим асосида қондирилади.

11.3. Ипотекага қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкка ундирувни қаратиш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган битимни тузишдан бош тортган тақдирда Ипотекага олувчи ўз талабини суд тартибида қондириш ҳуқуқига эга.

11.4. Ушбу шартнома ва унга қўшимча битимлар билан тартибга солинмаган масалалар бўйича Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

12. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Ушбу шартнома Томонларнинг ёзма келишувига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

12.2. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар Томонларнинг тегишли тартибда ваколат берилган вакиллари томонидан имзоланган, муҳрлар билан тасдиқланган, нотариал тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган Томонларнинг ёзма шаклдаги қўшимча битимлари билан расмийлаштирилади. Бундай ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

12.3. Ҳар икки томон тарафидан келишилган шартномага барча иловалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

12.4. Ушбу шартнома _____ вақада, бир хил юридик кучга эга бўлган 5 (беш) нусхада, ҳар бир Томон учун бир нусхадан тузилади, бир нусхаси _____ шаҳри _____ манзилида жойлашган _____ нотариуснинг йиғмажилдида сақланади, _____ икки нусхаси _____ га берилади.

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

12.5. Ушбу шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкни келгусида ипотекага қўйиш тақиқланади.

12.6. Нотариал идора ушбу шартномани тасдиқлаш билан бир вақтда ипотека предметиға ўзгага беришни тақиқлаб қўяди.

12.7. Мол-мулк ушбу шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ипотекага берилган деб ҳисобланади.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

Ипотекага қўювчи: _____

Ипотекага олувчи: _____

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

Ипотекага қўювчи томонидан:

(Ф.И.О.)

(СТИР)

(ИМЗО)

Ипотекага олувчи томонидан:

(Завотами, Ф.И.О.)

(СТИР)

(ИМЗО)

М.Ў.

200__ йил «__» _____

200__ йил «__» _____

Ушбу шартнома мен томондан Ўзбекистон Республикаси, _____ вилояти, _____ шаҳри/тумани, _____ кўчаси, _____-уйда жойлашган давлат нотариал идораси давлат нотариуси _____ томонидан 200__ йил «__» _____ да тасдиқланди.

Томонлар шартномани менинг иштирокимда имзоладилар. Шартномани имзоловчиларнинг шахси, уларнинг муомалага лаёқатлилиги, шунингдек «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг ҳуқуқий лаёқати, унинг вакили ваколатлари аниқланди, гаровга қўйилаётган мол-мулкнинг мансублиги текширилди.

Шартнома _____ да давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

(рўйхатга олувчи органнинг номи)

Реестрда _____-сон билан рўйхатга олинди.

_____ сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси _____.

**ИСТЪМОЛ ТОВАРЛАРИ (ХИЗМАТЛАР)НИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ВА СОТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 29-сон, 332-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ-1090-сон қарорига мувофиқ ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган истъмом товарлари сифати, уларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги юзасидан назоратни кўчатириш, шунингдек одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳқамаси қарор қилади:

1. 2010 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 9 июль
190-сон.

Вазирлар Маҳқамасининг
2009 йил 9 июлдаги 190-сон қарорига
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШ ВА КЎШИМЧАЛАР**

1. Вазирлар Маҳқамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатида:

а) 14-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«14. Усимлик ёғи ишлаб чиқариш ва сотиш»;

б) 18-банддаги «болалар қуруқ сут маҳсулотлари, сутли болалар таомлари» сўзлари «болалар озиқ-овқат маҳсулотлари (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маъқулланган барча турлари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) куйидаги мазмундаги 19 — 21-бандлар кўшилсин:

«19. Куйидагилар:

маргарин ва майонез маҳсулотлари;
конфет ва шоколад (миллий ширинликлардан ташқари);
тухум кукунли;
минерал сувлар, шарбатлар ва салқин ичимликларнинг бошқа турлари (шимша идишда, пластик, асептик ва ноасептик ўрамларда);

шахсий гигиена буюмлари;

қурилиш материаллари (қўлда ва қўл асбоблари ҳамда кичик механизация воситаларидан фойдаланган ҳолда тайёрланган материаллардан ташқари);

мебеллар (бадий халқ ҳунармандчилиги ва амалий-декоратив санъат буюмларидан ташқари) ишлаб чиқариш.

20. Полиэтилен хом ашёсини саноат йўли билан қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш.

21. Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати.»

2. Вазирлар Маҳқамасининг 2004 йил 22 мартдаги 135-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 31-модда) билан тасдиқланган Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

